

**"ИПОТЕКА-БАНК"
АТИБ
ЯНА БИР БОР
ISO 9001:2015
СИФАТНИ
БОШҚАРИШ
СТАНДАРТИ
БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО
СЕРТИФИКАТИНИ
ҚАЙТА
ТАСДИҚЛАДИ**

**2021 ЙИЛДАН
ЎЗБЕКИСТОНДА
БУКМЕКЕРЛИК
ФАОЛИЯТИГА
РУХСАТ
БЕРИЛАДИ**



**ГИДРОПОНИКА
– ДАРОМАДЛИ
ВА ИШОНЧЛИ**

**ОЛТИН
БОЗОРИДА
НИМА ГАП?**

**АТЕ "ҚИШЛОҚ
ҚУРИЛИШ БАНК":
"ФАРФОНА
ТОНГ ОТГУНЧА"
ЎЗГАРИШЛАР
АРАФАСИДА**



**ИҚТИСОДИЁТ
РЕАЛ
СЕКТОРИДАГИ
ЖОРИЙ
ҲОЛАТ ВА
КУТИЛМАЛАР
БЎЙИЧА
ХЎЖАЛИК
СУБЪЕКЛАРИ
БИЛАН
ЎТКАЗИЛГАН
СЎРОВ
НАТИЖАЛАРИ**

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ № 48-49 (1227-1228) 2019 ЙИЛ 12 ДЕКАБРЬ

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

t.me/financeuz

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



ЮРТИМИЗДА АСАЛ БАЙРАМИ



Халқимиз азалдан асаларичилик билан шуғулланиб келади. Бу кони фойда тармоқ афсуски, кейинги йилларда бироз оқсаб келаётган эди. Асаларичилар тарқоқ ҳолда ўз билганича фаолият кўрсатарди. 2017 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада асаларичиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3327-сонли қарори эълон қилиниб, бу соҳа янги йўналишда жонлана бошлади. Мазкур қарор доирасида 2018 йил январь ойида Республика асаларичилик уюشمаси ташкил қилиниб, мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида асаларичилик уюшмаларининг ҳудудий бўлиmlари фаолият кўрсата бошлади.

(Давоми 8-саҳифада)

Яқинда пойтахтимиздаги "Radisson Blu Hotel" меҳмонхонасида Германия, Австрия ва Швейцария давлатларининг экспорт-кредит агентликлари томонидан экспортни молиялаштириш ва экспортни кредитлашни сугурталаш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда ушбу экспорт-кредит агентликлари тасарруфидаги "Euler Hermes", "Oesterreichische Kontrollbank" ва "Swiss Export Credit Insurance (SERV)" институтларидан ҳам вакиллар иштирок этди.

Конференцияда мамлакатимиз банк-молия муассасалари мутахассислари, шу жумладан, "Ўзсаноатқурилишбанк" ходимлари тадбир мавзуси доирасида жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларнинг жорий тенденциялари

ЭКСПОРТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

билан яқиндан таништирилиб, экспорт-кредит агентликлари тажрибаси ўрганилди.

Сўнгги йилларда республикада олиб борилаётган ишловлар хусусан, иқтисодиётни либераллаштириш, инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, банк-молия секторини халқаро хизмат кўрсатиш стандартларига мувофиқлаштириш борасидаги ишлар меҳмонлар эътиборини тортди.

– Бундай кенг қамровли анжуманининг Ўзбекистонда ўтказилиши шубҳасиз, жаҳон молия бозори, айниқса халқаро бизнес ҳамжамиятининг катта



қизиқишига сабаб бўлади, – дейди Австрия "Коммерзбанк" АГ вакили Бодо Тёнс. – Бу юртингизга кириб келаётган инвестициялар оқимини кучайтиради, қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши ва уларга хорижий кредит линияларининг

кўпроқ жалб қилинишига омил бўлади.

Конференция қизғин муҳокамалар ва савол-жавобларга бой тарзда ўтиб, иштирокчилар экспорт масалалари бўйича билимларини янада мустаҳкамлади.

ХАЛҚ БАНКИ УСТАВ КАПИТАЛИ ОШДИ

Халқ банки Ўзбекистон молия бозорида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда кўрсатилаётган молиявий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтаришда инновацион янгиланишларга жадаллик билан киришди. Яъни банк ўз-ўзини янгилаб, трансформациони изчиллик билан амалиётга татбиқ этяпти. Бу каби ўзгаришлар самараси Халқ банки устав капитални ўсишида ҳам яққол намойн бўлмоқда.

Хусусан, жорий йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки устав капитални қўшимча 2 164,2 млрд. сўм (227,9 млн. АҚШ доллари)га ортди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Халқ банкининг номинал қиймати 1 000,0 сўм бўлган 2 164 172 минг донда оддий акциялари сотиб олинди ва бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг банк устав капиталдаги улуши 38,8 фоиздан 70,1 фоизга кўтарилди.

Банкнинг қолган акцияларига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги эгалик қилади ҳамда унинг улуши 29,9 фоизни ташкил этади.


Халқ банк устав капитални йил бошига нисбатан 2 586 838,8 млн. сўмга ёки 248,4 фоизга ортиб, 4 230,9 млрд. сўм (445,6 млн. АҚШ доллари)ни ташкил этди.

Банк Ахборот хизмати

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР “ЎЗМИЛЛИЙБАНК” МУҲОКАМАСИДА

Жорий йилнинг 7 декабр санасида “Ўзмиллийбанк” Бош офиси биносидан Банк Бошқаруви кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда Банкнинг барча таркибий тузилмалар раҳбарлари, жумладан, департаментлар директорлари, бўлим ва филиаллари бошқарувчилари иштирок этди.

Йиғилиш кун тартибидан бугунги кундаги долзарб бўлган масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунлари ва “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ва “Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлари ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан келиб чиқиб бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар ижро учун қабул қилинди.

Йиғилиш давомида банкни ривожлантириш ва трансформация қилиш Стратегиясига мувофиқ хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш, ҳалқаро стандартларни жорий қилиш, мавжуд банк технологиясини замонавий дастурий таъминотлар асосида ишловчи техник ускуналар билан таъминлаш, ходимлар малакасини ошириш, хорижий тажриба алмашиш ва қайта ўқитиш тадбирларини олиб бориш масалалари ҳам муҳокама қилиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга таширлари давомида берилган топшириқларига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, уларни ишга тушириш ишларининг олиб борилиши ҳам кун тартибидан кўриб чиқилиб тегишли масъул ходимларга вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга, мажлис давомида Банк томонидан молиявий йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолати ҳамда бўлим ва филиалларда соғломлаштириш чора-тадбирлари ижросини таъминлаш, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган асосий масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йиғилиш якуни билан муҳокама қилинган масалалар юзасидан бир қатор вилоят бўлимлари ва туман филиаллари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда барча таркибий тузилмалар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

finance.uz

Жорий йилнинг 7 декабрь куни “Пойтахт” бизнес марказида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бош офиси, Амалиёт бошқармаси ва барча филиаллари раҳбар ходимлари ҳамда мутахассислари учун амалий ўқув семинари бўлиб ўтди.

“ТРАСТБАНК”: ЯНГИ ТАҲРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИ БАТАФСИЛ ЎРГАНИЛМОҚДА



Ушбу семинар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Валютани тартибга солиш ва валюта назорати тўғрисида”ги 28/3-сонли қарори ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги янги таҳрирда қабул қилинган Қонуни мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсадида ташкил этилди.

Маълумки, юртимизда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш, аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг унга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўлланган ҳолда қўрсатилган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, валютани тартибга солиш ва валюта сисъатини либераллаштириш борасида амал-

га оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2019 йилнинг 22 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги янги таҳрирда қабул қилинган Қонун ижросига бағишлаб



“МИКРОКРЕДИТБАНК”: САЙЁР ҚАБУЛДА КЎПЛАБ МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛДИ

Жиззах вилоятида “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки раҳбарияти томонидан сайёр қабул ўтказилди.

Унда банк республика бошқарувининг филиаллар билан ишлаш комплекси раҳбари Бекзод Раззоқов, банкнинг Жиззах филиали бошлиги вазифасини бажарувчи Зариф Жўраев мурожаатчиларни қабул қилди.

Банк сайёр қабулни айнан шу ерда ташкил этгани бежизга эмас. Марказга турли лойиҳалар устида иш олиб бораётган ёшлар кўплаб келиб туради. Табиийки уларнинг банк билан боғлиқ саволлари бор.

– “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастури доирасида фитнес клуб очиш бўйича лойиҳамни амалга ошириш учун барча ҳужжатларимни тайёрлаганман, – дейди Жиззах шаҳридаги “Бурхон шер” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Озод Набиев. – Шу мақсадда “Микрокредитбанк”нинг Жиззах филиалдан 300 миллион сўм кредит олмақчи эдим. Банк раҳбарлари ўтказган сайёр қабулда мурожаатимни, кредит олиш билан боғлиқ масалами имкон қадар тез ечиб беришга ваъда беришди.


Шунингдек сайёр қабул давомида Зомин туманидан тадбиркор Машраб Ўразалиев тўйхона қурилиши учун 800 миллион сўм, Жиззах шаҳридаги Бобур маҳалласидан Анвар Жавлоновнинг хусусий клиника учун 347 миллион сўм, Ш.Рашидов туманидан

ташкил этилган мазкур семинарда Қонуннинг мазмун-моҳияти, уни амалга тадбиқ этишда тижорат банкларининг роли, чет эл валютасида операцияларни амалга оширадиган масъул ходимларнинг молиявий саводхонлик даражасини ошириш масалалари бўйича “Трастбанк”нинг Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаменти масъул раҳбар ходимлари томонидан батафсил тушунтиришлар берилди. Бу эса, валюта тўғрисидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларини бузиш хавфини камайтиради.

Шунингдек, семинар давомида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки мутахассислари томонидан амалиётда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича фикр-мулоҳазалар юритилди ҳамда иштирокчиларнинг саволларига Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаментининг масъул ходимлари томонидан батафсил жавоблар берилди.

Бу каби семинарларнинг ташкил этилиши банк ходимлари иш самарадорлиги ва сифатини оширишда муҳим ўрин тутди. Семинар иштирокчиларининг фикрига кўра, семинар жуда мазмунли ва фойдали бўлди. Тадбир якунида иштирокчилар семинар ташкилотчиларига миннатдорчилик билдириб, бундай семинарлар мунтазам ўтказилиши борасидаги истакларини билдирдилар.

Сабоҳат ҲАЙИТҚОРИЕВА



ЎЗА

ТАЪЛИМГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ – КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН САРМОЯДИР

Бугунги глобаллашув даврида ривожланишнинг барча қақриқларига муносиб жавоб бериб, ўз иқтисодиётини тараққий эттирган мамлакатлар ҳақида сўз кетганда, барчамиз бунинг сабаблари, улар қўлланган стратегиялар қандай эканлигига қизиқамиз. Кўп ҳолларда эса таълим натижалари бирдек хулоса беради. Тараққийнинг асл сабаби эса, бу таълимга йўналтирилган инвестициядир.



Дарҳақиқат, ёш авлод ҳаёти ва уларнинг ҳар жиҳатдан етук камолига юксак эътибор қаратиш, таълим жараёнига илгор технологияларни қўллаш орқали иқтидорли ўғил-қизларни тарбиялаш ва ўқитиш учун сарфланадиган маблағлар шакл-шубҳасиз келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевордир. Давлатимиз раҳбари ҳам ҳар сафар зийлилар билан бўлган учрашувларда мана шу жиҳатларга тўхталиб, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларда етакчилик кўникмалари ва нотиклик маҳоратини ривожлантириш, танқидий фикрлаш, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни амалиётда қўллаш каби ишларни янада жадаллаштириш кераклигини таъкидлайдилар. Зеро, янги давр одимларига хос кенг фикрлайдиган, шижоатли кадрларни тай-

ёрлаш, жаҳон майдонида муносиб рақобатлашиш имконини беради.

Шу мақсадларга эришиш учун айна пайт мамлакатимизда болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси узлуксиз оширилиб, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда нодавлат таълим муассасаларини ташкил этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Натижада, ўқитиш тизимида жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий дастурлар жорий этилиб, бир неча хорижий тилларни мукамал ўргатувчи хусусий мактаблар иш бошлаяпти.

Буларга мисол тариқасида, “Туронбанк” АТБнинг доимий миждожи бўлган “Welcome Alliance” МЧЖ-ни келтиришимиз мумкин. Ўзининг “Oxbridge international school” болалар боғчаси ва мактаби лойиҳаси билан 2018 йил иш бошлаган корхо-

на, молия муассасасининг 2,5 млрд. сўмлик молиявий кўмаги эвазига 2 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга халқаро таълим стандартлари асосида билим беришга мўлжалланган иккита ўқув биноларини куриб битказди. Шунингдек, спорт майдончаси, футбол ўйингоҳи, сунъий сув ҳавзаси, мўжазгина ошхона ҳам банк кредитлари ҳисобидан курилди.

Ҳеч бир хориж мактабларидан қолишмайдиган имкониятларни тақлиф этаётган халқаро таълим муассасасида болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиши, ижодий баркамоллиги учун барча шароитлар яратилган. 1 гектарлик майдонда ҳам болалар боғчаси ҳам давлат таълим маскани ҳам халқаро бакалавр мактабининг мавжудлиги эса, бир тизимнинг ўзиде билимли ёшларни тайёрлашга кўмаклашмоқда.

Айна пайт бу ерда 450 нафар ўғил-қизлар АҚШ, Канада, Буюк Британиянинг нуфузли университетларидан саралаб олинган малакали педагоглардан таҳсил олишмоқда. Таълим дастурлари ҳам аънавийларидан тубдан фарқ қилади. Хусусан, эрта лаби 08:00дан кечки 18:00 гача ўқувчилар рус тили, математика, адабиёт каби қатор фанлар бўйича билим олиш билан бирга, қўшимча тарзда информатика, чет тиллари, спортнинг таэквондо, сузиш, шахмат, гимнастика ва санъат тўғрақларида ҳам ўз кўникмаларини мустаҳкамлайдилар. Ушбу халқаро мактабнинг яна бир афзаллик жиҳати, болаларнинг тўғри овқатланиши учун жадвал яратилганлигидир.

Унга кўра, кун давомида 5 мартаба сифатли сабзавотлардан тайёрланган таомлар тақдим этилади.

– Мактабимизда биринчи тиббий ва терапевтик ёрдам кўрсатиш бўйича умумий амалиёт шифокори ва ҳамширалар ҳам фаолият юритишади. Улар ҳар куни ўқувчиларни текширувдан ўтказиб, қандайдир муаммолар бўлса зудлик билан ота-оналарга хабар беришади. Қолаверса, биз аллергия ёки диабет каби касалликларга чалинган болаларга алоҳида эътибор қаратиб, махсус таомнома асосида егулик тайёрлаймиз. Биласизми, менимча мактабимиздаги энг муҳим жиҳат бу боғча, мактаб ва тўғрақларнинг бир ерда жам бўлганлигидир. Шу орқали болалар бегонасираш ҳиссидан йироқ бўлиб, жамоада бўлишга ўрганишади. Ана шу жиҳат уларга ҳаётлари давомида муваффақиятга эришишининг асосий калитидир. Бундай даража етишимизда албатта, “Туронбанк” АТБнинг кўмаги катта бўлди. Улар бизнинг бизнесимиз ривожини учун эмас балки келажак авлоднинг баркамол бўлиши учун молиявий кўмак беришди. Бундан кейин ҳамкорликни кенгайтириб, янги ўқув биноларини куришда биргаликда ишлаш ниятимиз бор, – деди “Oxbridge international school” раҳбари Пўлат Сулаймонов.

Яна бир жиҳатни қўшимча қилишимиз керак, халқаро мактабда йўлга қўйилган “IB” яъни халқаро бакалавр тизимини тамомлаган болалар жаҳоннинг энг яхши таълим муассасаларига кириш учун асос вазифасини ўтайдиган дипломга ҳам эга бўлишлари мумкин. Масалан, Гарвард, Стэнфорд, Оксфорд, Принстон, Лондон Имперал коллежи ва Сингапур миллий университети шулар жумласидандир.

Президентимиз худудларга амалга оширган ташрифлари чоғида, энг биринчи навбатда ёш авлод камолининг ажралмас қисми бу мактабга таълим тизимини ривожлантириш эканлигини, бунинг учун барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз кераклигини такрор ва такрор таъкидлайдилар. Сабаби, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши бевосита мазкур бўғиннинг рақобатбардошлиги, илмфан юксалиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган ишбилармонларнинг лойиҳаларини молиялаштириш билан бирга “Туронбанк” АТБ давлат-хусусий шерикчилик тамойли асосида нодавлат мактабга таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш юзасидан ҳам кенг қўламли ишларни олиб бормоқда. Хусусан, молия муассасаси бу борада Навоий вилоятига кўмаклашиш мақсадида давлат томонидан ажратилган ресурслар ҳисобидан кераклик кредит маблағларини ажратиш вазифасини ўз заммасига олган. Унга кўра, тасдиқланган манзилли рўйхат доирасида эса 2018-2019 йилларда худудда

“ТУРОНБАНК” АТБ ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ҚУРИЛИШИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА


жами 120 та болалар боғчаси ишга туширилиши учун 232,1 млрд. сўмлик молиявий кўмак берилиши белгиланган эди.

Қисқа вақт ичида амалга оширилган ишлар, топшириқларнинг қоғозда қолиб кетишига имкон бермади. Халқ фаровонлигини ўзининг асосий мезонига айлантирган “Туронбанк” АТБ бу йўналишга масъулият билан киришиб, эртаими эгаларининг сифатли таълим-тарбия олишлари учун барча имкониятларини ишга солди. Натижа эса кутилгандан-да аъло. Бунга мисол сифатида вилоятнинг Қизилтепа туманида янгидан қад рослаган “Қуёшжон” мактабга таълим ташкилотини келтиришимиз мумкин. 50 ўринга мўлжалланган муассаса замонавий кўринишда таъмирланган бўлиб, машғулот хоналари болаларни мактабга тайёрлашдаги энг илгор методиклар асосида замонавий инвентарлар, ақлини чарчлашга кўмаклашувчи жиҳозлар билан таъминланган. Қичик спорт ва ўйин майдончаси курилган.

– Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 1,0 млрд. сўм бўлиб, шундан 250 млн. сўми ўз маблағларимиз, 750 млн. сўми эса “Туронбанк” АТБ

орқали давлат томонидан ажратилган молиявий кўмаги ҳисобланади. Оз фурсатда мана шундай чиройли, кўркам, барча қулайликларга эга болалар боғчасини фойдаланишга топширдик. Ўндан ортиқ янги иш ўринларини яратдик. Айна пайт малакали педагог ходимлар фаолият юритишмоқда. Бундай янги мактабга таълим муассасаси ташкил этилганидан “Ванғозми” маҳалла аҳолиси жуда ҳам мамнун. Сабаби, авваллари бундай кўринишдаги болалар боғчаси мавжуд эмас эди. Яратилган шароитлардан ҳамминанг кўнгли тўлди. Ётоқхона, ювиниш ва овқатланиш хоналари ҳам барча санитария меъёрларига тўғри келади. Умуман олганда, бундай болалар боғчасида тарбияланиш фарзандларимиз учун мароқли, бундай қулайликларда уларга таълим бериш биз учун ҳам мароқлидир, – деди “Қуёшжон” МТТ иш юритувчиси Суннатилло Шарипов.

Шу ўринда қўшимча қилиш керак, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги қарорига мувофиқ, давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасидан мактабга таълим



муассасаларини қўллаб-қувватлаш учун 15 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан ресурсларни ажратиш белгилангандир. Шу асосда жорий йилнинг ўтган даврида 65 та болалар боғчасига йиллик 1 фоиздан 134,4 млрд. сўмлик маблағлар ажратилган.

Мактабга таълим муассасаларини куришни янада тезлаштириш мақсадида, “Туронбанк” АТБ ҳам ўз маблағлари ҳисобидан вилоятдаги 22 та болалар боғчасига имтиёзли фоизларда 18,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратди. Қолаверса, мактабга таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш юзасидан қабул қилинаётган қарор ва

топшириқлар ижросини сифатли бажариш мақсадида, бир поғонали (филиал – миждо) тизимида лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг маълумотларига кўра, 2019 йилнинг ҳозирги кун ҳолатига 125,4 млрд. сўм миқдордаги маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиб, мактабга таълимга болаларни қамраб олиш даражасини жорий йилда 51 фоизга, 2020 йилда эса 65 фоизга етказиш бўйича барча зарурий чоралар кўрилмоқда. Аҳамиятлиси, шу каби болалар боғчаларининг ишга туширилиши натижасида икки мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ЯНА БИР БОР ISO 9001:2015 СИФАТНИ БОШҚАРИШ СТАНДАРТИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТИНИ ҚАЙТА ТАСДИҚЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрь ПҚ-3270 сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон банкларини замонавий илгор тажрибалар асосида хизмат кўрсатувчи жаҳон миқёсида рақобатбардош молиявий муассасаларга айлантириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган.

Тижорат банклари фаолиятига халқаро меъёрларни татбиқ қилишда ISO стандартлари муҳим элемент бўлиб хизмат қилади ва молиявий муассасанинг халқаро миқёсда нуфузини кўрсатиб беради.

“Ипотека-банк” ҳам ўз фаолиятига халқаро меъёр ва замонавий тажрибани татбиқ қилиш йўналишида бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, бугунги кунга келиб, республикамизнинг йирик банклари қаторида мустақам ўринга эга “Ипотека-банк” халқаро тан олинган барча уч рейтинг агентликлари “Мудис”, “Фитч” ҳамда “Стэндард энд Пурс” томонидан тасдиқланган ва истиқболи “Барқарор” белгиланган халқаро рейтингларга эга.

Ушбу тадбирларнинг кейинги босқичи сифатида “Ипотека-банк”нинг бошқарув тизимида “Юридик шахсларнинг банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш” хизмат тури ISO 9001:2015 стандарти талабларига мослаштирилди.

Мазкур ҳолатнинг эътирофи сифатида “Ипотека-банк” бу соҳада миллий сертификатта эга бўлиш билан бирга Халқаро миқёсда тан олинган “QMSCERT” сертификация агентлиги томонидан халқаро сертификатта ҳам лойиқ деб топилди.

2019 йилнинг октябр ойида Халқаро миқёсда тан олинган “QMSCERT” сертификация агентлигининг расмий ҳамкори сифатида фаолият кўрсатувчи “MANAGEMENT CERTIFICATION” сертификациялаш органи томонидан “Ипотека-банк”да халқаро талаблар асосида сифат аудити ўтказилди.

Жорий йилнинг декабр ойида “MANAGEMENT CERTIFICATION” сертификациялаш органи томонидан “Ипотека-банк” АТИБнинг ISO 9001:2015 сифатни бошқариш стандарти бўйича миллий ва халқаро сертификатлари яна бир бор тасдиқланди.

Банк Ахборот хизмати



Фарғона вилоятига уюштирилган Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк”нинг навбатдаги пресс-турида журналистлар Банкнинг Қўқон филиали янги биносининг очилиш маросимига ҳам қатнашишди, бу ростмана катта тадбирга айланаб кетди. Унда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Акбар Эшонқулов, шаҳар ҳокимияти вакиллари, ОАВ ходимлари ҳамда банк мутасаддилари иштирок этди.

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” ҚЎҚОН ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА

– Қўқон шаҳри филиалимизда 1200 нафардан ортқ жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатамиз. – дейди Банкнинг Қўқон филиали раҳбари Анваржон Рашидов. – Айни пайтда филиалимизда 60 нафар ходим ишляпти. Бу бинонинг қурилишига 6 миллиард 4 миллион сўм маблағ сарфланди. Банк мижозлари ва умуман аҳолимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Банкнинг Қўқон филиалида 1 494 нафар фуқарога хизмат кўрсатилади. Вилоят бўйича 1 та минибанк фаолият кўрсатаётган бўлиб, бу Қўқон филиалига қарашли бўлган Боғдод минибанкидир.

Қўқон филиалида омонат касса ҳамда халқаро пул ўтказмалари ва валюта алмаштириш шохбчаси ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, бу ерда 2 та банкомат мавжуд бўлиб, улардан 24/7 режимда ишляпти.

Кези келганда айтиш лозимки, банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатиладиган мижозларга Фарғонада жами 74 629 та пластик карточкалар тарқатилган бўлиб, улардан 23 002 таси Қўқон филиали ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек банк филиаллари томонидан банк мижозларига жами 1 762 та тўлов терминаллари ўрнатиб берилган бўлиб, шулардан 186 таси Қўқон филиалида мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, Банкнинг Қўқон филиали томонидан мижозларга хизмат кўрсатилар экан, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўмаклашиш, қорхоналар фаолиятини ривожлантириш ва молиявий аҳволларини яхшилашга қаратилган ишлар давом этаяпти. Хусусан, мижозларни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашда ҳужжатларни расмийлаштириш механизмини иложини борица соддалаштириш ҳам уларни ортқча оловора қилмасликка жиддий эътибор қаратилаётир. Мижозларга кредитлар ажратишда Марказий банкнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари ҳамда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ички меъёрлари талабига риоя қилинмоқда. Энг асосийси, бу ердаги замонавий банк хизматларидан аҳоли хурсанд. Зеро, уларга филиал томонидан банк хизматлари юсак даражада ташкил қилинаётир.

Ш.ЖАББОР



Долзарб вазифлар қаторида тижорат банклари ўз фаолиятида ISO 9001:2015 “Сифатни бошқариш тизими” стандартини татбиқ этишлари лозимлиги алоҳида қайд этилган.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Президентимизнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307 қарори (03.05.2019) ижросини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғусини шакллантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинмоқда.



Яқинда академияда ана шундай тадбирлардан бири “Миллий маданиятимиз ва кадриятларимиз тарихидан” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Академиянинг “Молия” кафедраси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Турон фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқимиз севган лирик хонанда Ҳожиакбар Ҳамидов ҳамда Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласининг давомчиси Бобурий тождор Баҳодиршоҳ Зафарнинг чевараси Зайниддин Мавлоновлар қатнашиб, ўз суҳбатлари билан иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

Зайниддин Мавлонов Бобурийлар сулоласига тегишли қимматли, ҳали тарих саҳифаларида битилмаган тарихий фактларни сўзлади. Тадбир давомида тарихий мавзудаги қисқа метражли фильм ҳам намойиш этилди.

Истеъдодли хонанда, олим ва ижодкор Ҳожиакбар Ҳамидовнинг ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ҳамда илм ва ижод ҳақидаги қимматли фикрлари барчага бирдек манзур бўлди. Тадбир сўнггида иштирокчилар санъаткор ижросида мумтоз кўшиқларни тинглашди.

Тадбирда Академия профессор-ўқитувчилари ва ходимлари, тингловчилар ҳам иштирок этишди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олишди.

**ЎзР Банк-молия академиясининг
Матбуот хизмати.**

2021 ЙИЛДАН ЎЗБЕКИСТОНДА БУКМЕКЕРЛИК ФАОЛИЯТИГА РУХСАТ БЕРИЛАДИ

“Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Фармони қабул қилинди.



Фармон билан Ўзбекистонда профессионал футболни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Иқтидорли ёш футболчиларни танлаш ва саралаб олиш (селекция) тизимини такомиллаштириш, етакчи футбол клубларига “футболчилар экспорти”ни амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш кабилар шулар жумласидандир.

Фармонга мувофиқ, болалар-ўсмирлар футбол мактаблари негизда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги футбол маҳорат мактаблари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилди.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тегишли таълим муассасаларида спорт шифокори, спорт психологи, спорт фармакологи, спорт ҳуқуқшуноси ва спорт диетологи йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ташкил қилинади.

2021 йилги футбол мавсумидан бошлаб Суперлига жамоалари ўртасидаги учрашуларда адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида VAR (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизими жорий этилади.

Фармонга кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб футболнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистонда букмекерлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилди.

2020 йил 1 июнга қадар букмекерлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Уларда букмекерлик фаолиятини лицензиялаш Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилиши, ушбу фаолиятни давлат томонидан назорат қилиш механизмлари жорий этилиши кабилар назарда тутилади.

Бу Вазирлар Маҳкамасининг 20.11.2019 йилдаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 919-сон қарорида назарда тутилган.



3000 ДАН ОРТИҚ ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР БЕРИЛАДИ

3 112 нафар хотин-қизлар умумий суммаси 102 млрд 253 млн сўм бўлган, тасдиқланган ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали ўз бизнесини бошлаши ва кенгайтириши мумкин. Уларга Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 85,5 млрд сўмлик кредитлар ажратилади. Қолган қисми – дастур иштирокчиларининг ўз маблағлари ҳисобидан. Ноябрь ойида улар учун ташкил этилган ўқув курслари натижаларига кўра “Халқ банки” орқали имтиёзли кредит берилиши учун Хотин-қизлар кўмиталарининг тавсияномасини олганлар аниқланади.

Таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари йўналишлари: қишлоқ ҳўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси. Шу

тариқа, 89 мингга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланади.

Хотин-қизлар хунармандчилик, ипакчилик ва томорқа ҳўжалиқларига жалб этилган ҳолда ишга жойлаштирилади. Бунда 40 минг нафар хотин-қизлар иш билан таъминланади. Наманган ва Фарғона вилоятларида янгитдан ташкил этиладиган хунармандчилик ва ипакчилик кластери корхоналарига янги тўздорлар барпо этиш ҳамда ипак мато ва гиламлар ёрқин учун 100 гектардан кам бўлмаган ер майдонлари ажратилади.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилалардаги касб-ҳунар коллежларида ўқиган 22 520 нафар хотин-қизлар “Ўзпахтасаноат” АЖ тикувчилик-тўқимачилик мажмуаларига ишга қабул қилинади.

ҲУНАРМАНДЛАРГА ЯНАДА КўПРОҚ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛДИ

Хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Президентнинг 28 ноябрдаги қарорида назарда тутилган.

Ҳужжат билан қуйидагиларни жорий этиш назарда тутилган:

Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги. Уни 2020 йил 1 январдан бошлаб очик ва умум фойдаланиладиган веб-сайт кўринишида ишга туширишлари керак. Каталогга нуфузли халқаро кўргазма, кўрик-танлов каби тадбирлар ғолиб ёки лауреатлари, шунингдек тегишли соҳада санъат ва фан арбоби ҳамда академикларнинг тавсиясига ёҳуд “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвонига эгалар киритилиши мумкин. Махсус кенгаш каталогга киритиш учун номзодларни танлаш билан шуғулланади. Ушбу жараённи тартибга солишчи ҳужжат бир ой муддатда қабул қилинади;

Туризм соҳасида фаолият юритаётган хунармандлар рестори, уни 1 январдан бошлаб шакллантиришни бошлайдилар, келаси йилнинг 1 мартига қадар эса, унга онлайн-кириш



имконияти пайдо бўлади. Рестор реал вақт режимида янгиланади. Ресторга “Хунарманд” уюшмасининг:

туристик маршрутдаги манзил бўйича ўз устахонасида ёки ижара асосида фаолият юритувчи;

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни галереялар, хунармандчилик маҳсулотлари дўконлари, маҳаллий ва хорижий савдо уйлари шартнома асосида намойиш ва сотиш учун қўяётган;

Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогига киритилган;

“Хунарманд” уюшмасининг Бадий кенгаши томонидан тавсия этилган аъзолари киритилади.

Бу хунармандларга нима беради? 2020 йил 1 январдан

бошлаб, Миллий каталогга киритилган ҳолда улар:

Биринчидан, 2023 йил 1 январга қадар календарь йили давомида хунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушуми 100 млн. сўмдан ошган, бироқ 1 млрд. сўмдан кўп бўлмаган миқдори учун яқка тартибдаги тадбиркорлар каби ЯСТни 2% ставка бўйича тўлайдилар. Худди шу тартиб Рестордаги хунармандларга ҳам татбиқ этилади;

Иккинчидан, сони бўйича чекловларсиз шогирдлар олишлари мумкин;

Учинчидан, кўргазма заллари, галереялар, павильонлар, бозор ва ярмарка расталарида намойиш қилиш ва сотиш учун жойлар, фаолиятини кенгайтириш учун ихтисослашти-

рилган хунармандчилик мажмуаларида ер участкалари ажратилишида устуворликка эга бўладилар.

“Uzbekistan airways” ва “Ўзбекистон темир йўллари” компанияларига хунармандчилик соҳасидаги нуфузли халқаро фестивал ва кўргазмаларда қатнашишларида энгиллик яратиш мақсадида Миллий каталогга киритилган хунармандлар учун йўл чипталарига имтиёзлар қўллаш тавсия этилди. Хорижий давлатларда анъанавий тарзда ўтказиладиган бундай тадбирлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Бундан ташқари, келаси йил бошидан бошлаб:

хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича янгидан давлат рўйхатидан ўтишда тўланадиган давлат божи яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун амалда белгиланган давлат божи миқдорининг 50% миқдорида пасайтирилади. Яъни тўлов миқдори шахсан бориб рўйхатдан ўтказишда 0,5 БҲМ ва интернет орқали – 0,25 БҲМни ташкил этади;

шаҳарларда рўйхатдан ўтган “Хунарманд” уюшмаси аъзолари, дастлабки 2 йилда Пенсия жамғармасига белгиланган ставканинг 50% миқдорида сугурта бадалларини тўлашга ҳақли. Бироқ, айнан халқ амалий санъати маҳсулотлари – халқ бадий


хунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар ва кўникмалар, анъанавий асбоб-анжомлардан фойдаланган ҳолда, асосан қўл меҳнати усулида яратилган ва қиёда тарихида миллий нақшлар билан безатилган буюм ва асарлар халқ амалий санъати маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланишлари шартли бўлади.

2020 йилда хунармандчиликни ривожлантириш дастурига 589,3 млрд. сўм миқдоридан, шундан, 470 млрд. сўм (\$50 млн.) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан кредитлар киритилган. АТ Халқ банки, “Микрокредитбанк” АТБ ва “Агробанк” АТБ ушбу манбалар ҳисобидан “Хунарманд” уюшмаси аъзоларига МБнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган ҳолда 18 ой муддатга, БҲМнинг 250 бараваридан ошмаган миқдорда, фоиз харажатлари Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланган ҳолда кредитлар беради.

Кредитлардан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ва “Уста-шогирд” мактабларини ташкил этиш, уй-музей ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш, айланма маблағларини тўлдириш учун фойдаланиш мумкин бўлади.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи бўлимида иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда инновация соҳасида катта тажриба ва ютуқларга эришган ривожланган давлатларда инновация фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантиришга йўналтирилган давлат инновация сиёсатини амалга оширади. Унинг асосини инновация фаолиятини янада фаоллаштириш, унга зарурий қулай шароитларни яратишга қаратилган.



Миллий иқтисодийни инновацион усулда ривожлантириш бугуннинг энг долзарб мавзусига айланди. Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар иқтисодийга назар солар эканми, уларнинг асосий даромадлари ва статистик кўрсаткичлари инновацион жараёнларнинг тўғри ташкиллаштирилганлиги ҳамда доимий равишда такомиллаштириб борилаётгани билан алоҳида эътиборга лойиқдир.

Хорижий олимлар томонидан инновацион жараёнларни молиялаштириш тушунчаси мазмуни ва моҳиятини кенг маънода қўллаш бўйича турли хилдаги илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, Ўзбекистон ҳам инновацион ривожланиш йўлидан боришга интилоқда. Иқтисодий тизимларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи капитални реализация қилиш самардорлигини, иқтисодийнинг реал ва молиявий секторлари салоҳиятини ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар мослашувчанлигини ва барқарорлигини таъминлашга имкон берадиган инновацион шаклларни фаоллаштириш билан тавсифланади. Иқтисодийнинг реал ва молиявий секторларида хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолияти ва ўзаро таъсири аъъанавий муносабатларнинг иқтисодий тизимларни ривожлантиришга таъсирини кучайтиради ҳамда уларнинг тузилмасида иқтисодий муносабатларнинг янги кўринишларини шакллантиради, бу эса бозорни тиклайди.

Иқтисодий тизимларни модернизация қилиш ва инновацион ривожланиш муаммоларини ҳал этишнинг долзарблиги инновацион жараёнларни молиялаштириш учун концепцияни ишлаб чиқишни талаб этади. Чунки ҳар қандай мамлакат иқтисодийни учун бир ёки бир неча мамлакатларда муваффақиятли амалга оширилган муайян бозорни ёки молия моделини тўғридан-тўғри кўчириб олиш имконсиздир.

Инновацион жараёнларни молиялаштириш механизми инвестицион ресурсларнинг тақсимланиши ва иқтисодий инновацион йўналишга ўтишининг асоси сифатида тартибга солиш вазифини бажаради. Инновацион жараёнларнинг ажралмас қисми сифатида уларни молиялаштириш механизми доимий равишда амалга ошириб борилади. Улар икки таркибий қисмга бўлинган ҳолда амалга оширилади. Биринчидан, жараённинг аъъанавий функциялари: инвестицион,

таҳлилий, тартибга солиш, консолидация ва назорат қилиш; иккинчидан, интеллектуал капитални фаоллаштириш талабларини ўзига хос тарзда акс эттирувчи махсус билим.

Инновацион жараёнларни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёни уч таркибий қисмга бўлиниб, улар:

1) жараён, ресурс ва тизимли ёндашувларда кўриб чиқилади: жараён (инвестиция ресурсларини тўплаш ва улардан фойдаланишнинг кўп ҳамда ўзаро боғлиқ жараёнларини бошқариш қонуниятини самарали бўлса);

2) ресурс (иштирокчиларнинг институционал асосда ҳамкорлиги қонунийлик асосида амалга оширилган бўлса);

3) тизимли ёндашув (инновацион фаолиятни молиялаштириш принциплари икки босқичли вазифа сифатида, яъни молия оқимини кўпайтириш, институционал ислохотларни такомиллаштириш) сифатида амалга оширишга ёрдам беради.

Турли соҳалардаги инновацион жараёнларни молиялаштириш бўйича муаммолар иккита гуруҳга бўлиб, яъни: иқтисодий фаолиятнинг аксарият соҳаларига хос бўлган тизим муаммолари ва турли тармоқларнинг ўзига хос муаммолари сифатида ўрганилиши мумкин.

Инновацион жараёнларни молиялаштириш манбалари билан молиявий бошқаришнинг концептуал асослари нуқтаи назаридан ўрганиш бизга инновацион жиҳатдан фаол бўлган компаниялар ўртасида алоқа, ортиқча тафсилот ва зарурий юзага келиши ҳақида хулоса чиқариш имконини беради ҳамда ислохотлардан кейинги даврда, молиялаштиришни ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган иккита элементни юзага келтиради:

1. Логистик молиялаштириш, энг муҳими буюртма ва захиралар тўпламининг ҳисоб-китоблари асосида иқтисодий-математик усуллардан фойдаланган ҳолда оптималлаштириш учун молиявий ресурсларни чиқаришдир. Логистик молиялаштириш молиявий ва бошқарув назариясининг таркибий қисмида жойлашган бўлиб, фақатгина корхона моддий ресурсларининг инвентаризация қилинмаган ҳажмлари мавжуд бўлганда юзага чиқиши мумкин. Бу эса корхона қўшимча даромадининг ушбу усулдан фойдаланишини чеклайди.

2. Қайта молиялаштириш. Молиявий ресурсларни жалб қилишнинг ушбу усули бизнесни йўналтириш

бўйича стратегик қарорлар доирасида бир томондан сотиладиган ва даромадлар ҳисобидан бошқаларни сотиб олиш ёки ноаниқ активларни сотиш ҳамда ишлаб чиқариш объектларини сотиб оладиган халқаро корпорациялар томонидан муваффақиятли амалга оширилади.

Хулоса ўрнида қуйидаги таклифларни тавсия этамиз:

– мавжуд инновацион инфратузилмани ва миллий инновацион тизимни қўллаш орқали инновацион тадбиркорликни оммавий яратиш ва уларнинг фаолият натижалари самарали бўлиши учун инновацион жараёнларни молиялаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш зарур ва мақсадга мувофиқдир;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион жараёнларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишларида бозор мотивациясини амалга ошириш учун аъъанавий молиялаштириш манбалари, саноатни инновацион ривожлантиришда давлатнинг молиявий ҳамда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш лозим;

– мамлакатимизнинг техника йўналишидаги аксарият олий таълим муассасалари ўқув дастурларида ишлаб чиқариш, тармоқлар ва умуман, мамлакатимиз кесимида табақалаштирилган инновация жараёнларини ташкил этиш ва унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш масаласига кўп вақт ажратилиши зарур;

– бундан ташқари, корхоналар раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича инновацион жараённи ташкил этиш ва унинг афзалликлари хусусида зарур билимга эга бўлиш имконини берадиган курс ва дастурларни ташкил этиш лозим;

Мухтасар айтганда, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, солиқ, инфратузилма, моддий-техник ва ахборот шарт-шароитларини янада ривожлантириш, давлат аҳамиятига молик инновацион вазибаларни амалга ошириш ва инновацион иқтисодий-технология барқарор ривожлантириш мақсадида кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга оид сиёсатни амалга ошириш зарур.

С. КУРЯЗОВ
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
тинловчиси

ТАДБИРКОРЛИК

Сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги, машаққатлари талайгина. Фақатгина ёзги экинларни экиб, ҳосил олиш орқали қишин-ёзин расталарни тўлдириб, аҳолини етарлича озиқ-овқат маҳсулоти билан тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Бу эса ўз-ўзидан йилнинг тўрт фаслида ҳам деҳқончилик қилиш заруратини юзага келтиради.

ГИДРОПОНИКА – ДАРОМАДЛИ ВА ИШОНЧЛИ

Шу сабабдан, Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 20 март куни “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу эса, иссиқхона саноатини янада жадал суръатларда ривожланишига туртки берди.

Хусусан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида турли усулдаги иссиқхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, гидропоника усулидаги иссиқхоналарнинг сони тобора ортиб бораётганини эътироф этиш даркор. Чунки бундай иссиқхоналар ихчам ва самарадор ҳамда юқори сифатли полиз маҳсулотлари етиштириш имконини бermoқда.

Албатта, бу каби сердаромад иссиқхоналарни барпо этиш осон иш эмас. Бунинг учун яхшигина маблағ керак. Бу масалада эса, тадбиркорларнинг мушкултини енгил қилиб келётган банклардан бири – “Ўзмиллиббанк”дир.

Жумладан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтўғрон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги “Байтўғрон Абдуғани Боғи” хусусий корхонасида ҳам банк кўмағида инновацион технологияга асосланган гидропоника усулидаги иссиқхона ташкил этилди.

– Гидропоника – тупроқсиз, фақат озуқа моддалар билан тўйинтирилган сув ёрдамида деҳқончилик қилишни аналтади, – дейди иссиқхона раҳбари Абдуғани Султонов. – Бу усул асосан, Европа мамлакатларида оммалашган бўлиб, дунёда самарали ва энг тежамкор деб тан олинган. Шу сабабли, гидропоника усулидаги иссиқхона қуриш лойиҳамни “Ўзмиллиббанк”ка тақдим этдим. Улар менга Осие Тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан олти юз минг АҚШ доллари миқдорига кредит ажратди. Олинган кредит ҳисобига Голландиядан замонавий жиҳозлар олиб келиб ўрнатдик. Иссиқхонамиз жорий йил сентябрь ойида иш бошлаган. Бугунги кунда иссиқхонада 12 нафар ходим ишламоқда.

Бу ердаги барча жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Иссиқхонадаги ҳарорат, ўсимликнинг сув ва озуқага талаби чуқур таҳлил орқали аниқланади. Турли минераллар билан бойитилган сув томчилатиш усулида ўсимлик илдизига етказилади. Умумий майдони 1 гектар бўлган иссиқхонада Туркиядан 25 минг туп серҳосил помидор навлари келтириб экилган. Мазкур иссиқхона 1 йилда 162 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконига эга, дейди тадбиркор ўз сўзида.

Бундан ташқари, тадбиркор “Ўзмиллиббанк” билан ҳамкорликни давом эттирган ҳолда мазкур иссиқхона фаолиятини янада кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилган.

Рустам ПЎЛАТОВ

Кремний водийсининг компаниялари бир йил ичида 100 миллиард АҚШ долларига арзонлашди – улар орасида We Work, Uber ва бошқалар бор. Бу компаниялар ўз вақтида инвесторлар учун жозибали лойиҳалар саналган эди.

"Қачонлардир Кремний водийсининг энг қиммат компаниялари, жумладан We Workдан бошлаб то Uber Technologies Inc.гача бўлган компаниялар жорий йилда умумий ҳажми 100 миллиард АҚШ долларидан айрилиб қолишди. Бу эса, айрим ишбилармонларга лойиҳалар сони эмас, балки даромадлилик жиҳатида алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини англатади. Сабаби венчерли инвесторлар харажатларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмақда", – дейилади The Wall Street Journal.

"Кремний водийсидаги вазиятни 5 йилларга чўзилиб кетган ва кимдир бирданги қироқни ўчириб қўйган шовқинли тадбирга ўхшатса бўлади. Биз барчамиз қоронғуликка кўникишга интилашимиз ва ҳеч ким кейин нима бўлишини билмай турибди", – деди венчур компаниялари ва янги лойиҳаларга маблағ йўналтириб келадиган Ahoу Capital инвестициявий компанияси мутахассиси Крис Дувос.

Айрим компаниялар, масалан Uber биржага чиққач, нархи пасайди, We Work да эса умуман IPOни олиб ташлашга тўри келди. Энг кескин пасайиш We Workда кузатилди – бир йил ичида 8 қарра арзонлашди.

The Wall Street Journal АҚШнинг бозор қиймати бўйича етакчи компанияларини маълум қилди.

We Work лойиҳаси ўтган ойда Soft Bank Group Corp. мажоритар инвестори томонидан қўқариб қолинганидан

КРЕМНИЙ ВОДИЙСИ КОМПАНИЯЛАРИ 100 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА АРЗОНЛАШДИ

сўнг 8 миллиард АҚШ долларига баҳоланди. Ундан аввалги баҳолашда бу кўрсаткич 47 миллиард АҚШ долларига тенг эди.


Убегнинг бозордаги капиталлашуви май ойидаги бирламчи жойлаштиришдаги баҳосига нисбатан тахминан 32 миллиард АҚШ долларига арзонлашди. Lyft эса, мартдаги баҳога нисбатан 10 миллиард АҚШ долларини йўқотди. Электрон тамаки ишлаб чиқарувчи Juul Labs компанияси қачонлардир We Workдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, бугунги кунда ой аввалида тахминан 16 фоиз ишчи ўринни қисқартираётганини маълум қилган.

Гарчи маҳсулотлари оммалашган бўлса-да, айриқ инвестор Juulнинг қийматини ҳукуматнинг тартибга солиши оқибатида 14 миллиард АҚШ долларига қисқартирди.

Инвесторларнинг ишончини қозониш мақсадида лойиҳалар муаллифлари шунчаки харажатлар ва даромадларга эътибор қаратмоқда. Оқибатда бизнес ўсишига эришишга ҳаракат қилинмапти.

Сўнгги ҳафтада автомобилларни ижарага берувчи Fair компанияси ва Ui Path компаниясига бўлган қизиқиш ҳам суслашган. Скутерлар ижараси билан шуғулланувчи Lime компанияси ўз фаолиятини қайта йўналтирди, бунинг сабаби улар инвесторларни даромадга эга бўла олишларини исботлашга киришиб кетган.

Инвесторлар эса стартаплар саноати ханузгача маблағ билан тўлиб



тошгани, бироқ фоиз ставкалари тарихий нуқтаи назардан жуда пастиликка қолаётганини таъкидлашмоқда. Шунга қарамай арзонлашнинг кўлами венчур саноати атрофида аввал кузатилмаган мавҳумликни юзага келтирди.

Шунингдек, бундай вазият инвесторларга корпоратив бошқарувни кескинлаштиришга оид қақриқ ва эътиқодларини қайта кўриб чиқишга ундади.


Тадбиркорлар, инвестор ва стартап маслаҳатчиларининг айтишича, битимларни молиялаштиришга кўп вақт сарфланаяпти. Уларнинг таъкидлашича, истеъмолчилик технологияларини яратётган компаниялар билан тузилаётган келишувлар авваллари бир ёки икки ҳафтада якунига етган бўлса, ҳозирда бунга ойлаб ёки ундан-да кўп вақт талаб этилаёпти. 80 дан 100 миллион АҚШ долларигача бўлган сарможа жалб этилишини назарда тутувчи

лоийҳалар муаллифлари эндиликда 20-30 миллион АҚШ долларига ҳам рози, дейди стартап директорлар ва директорлар Кенгашига маслаҳат берувчи мутахассис Адам Ж.Эпштейн.

Инвесторлар фикрича, сўнгги икки ой давомида венчур фирмалар билан учрашувларда айрим ҳамкорлар ўз маблағларини қайтариб олишлари ҳақидаги хавотирини баён қилган. Renaissance Capital маълумотиغا кўра, АҚШда IPO сони жорий йилнинг III чорагида II чоракка нисбатан уч баробар қисқарган. "Бир шохли" деб аталувчи ва 1 миллиард долларгача бўлган қийматда қимматлашган стартапларга жалб этилаётган маблағларнинг молиялаштириш раундлари сони ортди ва бу раундларнинг ўртача қиймати жорий йилнинг учинчи чорагида 2018 йилнинг II чорагидан буён энг паст кўрсаткичга айланди, дейилади Pitch Book фирмаси маълумотномасида.

ОЛТИН БОЗОРИДА НИМА ГАП?

Айрим мутахассислар башоратига кўра, олтин бозорида кузатилаётган вақтинчалик сукунат тез орада ҳақиқий-“тўфон”ни бошлаб келиши мумкин. Натижада “сарик металл”нинг нархи рекорд даражада ошиб, жорий қиймат уч баробар қимматлашиши кутилади.



Олтин бозорининг айрим иштирокчилари бир ярим йиллардан сўнг қимматбаҳо металлнинг нархи қарийб уч баробар ошишини тахмин қилапти.

Ўтган ҳафтада Нью-Йоркда 5 мингта лот сотилган бўлиб, уларнинг эгалари 2021 йил июнь ойида бир унция олтинни 4 минг АҚШ долларига қийматида харид қилиш имконига эга бўлади, дейилади Bloomberg агентлиги хабарига.

Олтин қийматининг жорий рекорд кўрсаткичи 1923,70 АҚШ долларига тенг бўлиб, 2011 йилда ФЭТ иқтисодиёт-

ни кўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион АҚШ долларлик облигацияларни харид қилган вақтда шу нарх белгиланган эди.

Бугунги кунда олтинга бўлган эътибор юксак даражада. У ёки бу мамлакатлардан доллар қарамлигидан қутулиш ҳақидаги ниятларни тобора кўп бор эшмоқдамиз, шу боис мамлакатлар марказий банклари имкон қадар қимматбаҳо металл харидини кўпайтирган. Бу ҳолат, айниқса ривожланаётган мамлакатлар марказий банкларига кўплаб учрамоқда.

Бу борада етакчиликни Россия ва Хитой давлатлари эгалламоқда, шунингдек Туркия ва Шарқий Европа давлатлари олтин захираларини кўпайтиришга уринмоқда.

Жорий йилнинг ёз фаслида олтин бозоридagi коти-ровкалар кўп йиллик максимум даражадан ошиб кетди. Бугунги кунда талаб бироз пасайган бўлиб, бозорда тузатиш ишлари амалга оширилмоқда, бироқ навбатдаги ўсиш фазаси тез кунларда кузатилиши мумкин, деб тахмин қилинмоқда.

Гарчи олтин нархи бу йил 14 фоиз ўсган бўлсада, ун-

циялар қиймати аввалгидек рекорд даражадаги максимумдан 24 фоиз арзонлигича қолмоқда. Кўпчилик олтин захира соҳиблари келаси йилда олтин нархи уч баробар ошиб кетишидан хавотирда.

Эҳтимол, шундай вазият юз берган тақдирда доллар жаҳон валютасининг бош валютаси ҳисобланмас. Агарда кимдир доллар тизими таназзулга учраши ҳақида аниқ башоратни эълон қилса, эҳтимоллар назариясига кўра, вазият худди шундай бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозим, олтин бозорида узоқ вақтлардан бери ғарблик марказий банклар олтинга қаршилиги қайд этилади, бироқ сўнгги йилларда бу борадаги фикр бутунлай ўзгарган.

Одамларни олтин сотиб олиш фикридан қайтишга уриниш ўрнига аксарият марказий банклар бу металлнинг ҳақиқий баҳосига нисбатан холис муносабатни билдирмоқда. Улар олтинни қиймати сақланадиган восита сифатида эътироф этиб, у ўзида харидорлик хусусиятини узоқ вақт давомида сақлаб қолади ва глобал тўлов воси-

таси ҳисобланишини қайд этади. Бундай баёнотлар ва ҳаракатлар кўплаб марказий банклар В режасига тайёргарлик кўраётганини билдиради.

Германия марказий банки Бундесбанк ўтган йили "Германия олтини" номли рисолини чоп этди. Унинг кириш қисмида Бундесбанк президенти Йенс Вайдман ёзганидек:

"Германияда исталган одамдан олтин нима билан ифодаланиши ҳақида сўранг. Катта эҳтимол билан, сиз қадри тушмайдиган қимматлик ва иқтисодий тараққиёт синоними эканлиги ҳақида эшитасиз".

Бундесбанкдаги олтин захиралар Германия захира активларининг катта қисмини ташкил этади ва банк балансида бўлган ишончини ўзида намоён этади.

Дарҳақиқат, олтин қадри тушмайдиган восита ҳисобланади. Бутун дунёда унинг мавжудлиги иқтисодий фаровонлиқнинг тимсоли саналади. Жаҳондаги ҳар бир захира валютаси катта миқдордаги олтин захираси билан тўлдирилади. Олтин – халқаро валюта тизимининг барқарорлиги асосидир.



(Бошланиши 1-саҳифада)

Қарорга кўра, асаларичиликни ривожлантириш, уни моддий қўллаб-қувватлаш АТ "Алоқабанк"ка юклатилганди. Бу вазифа банк томонидан аъло даражада уддаланиб келинмоқда десак, янглишмаймиз. Чунки мана шу қисқа фурсатда банк томонидан тармоқни ривожлантириш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилди.

Хусусан, жорий йил май ойида банк кўмағида Тошкент шаҳрининг марказида Ўзбекистон асаларичилар уюшмасининг биноси фойдаланишга топширилди. Натигада Марказий Осиёда Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси биринчилардан бўлиб ўзларининг ихтисослашган марказларига эга бўлди. Унда бош офис, асаларичилик махсулотларини сотадиган савдо маркази, асаларичиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, янги технологиялар, асбоб-ускуналар кўرғазма маркази, лизинг компанияси, ўқув маркази ва малака ошириш факультети, апитерапия маркази ҳамда асаларичилик махсулотларининг сифатини аниқлаш лаборатория жойлаштирилди.

Бу ишларнинг узвий давоми сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, уч йилдан буюн банк кўмағида пойтахтимизда асал байрами кенг нишонланиб келинади. Мазкур аълана жорий йил ҳам давоми этди. 1-10 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида "Ўзкўрғазмасавдо" марказида "Асал байрами" ва асаларичилик махсулотлари кўрғазма ярмаркасида 300 дан ортиқ асаларичилик соҳасининг энг илғор вакиллари иштирок этди.

– Биринчи асал байрами 2017 йил декабрь ойида ўтказилган. Унда республика бўйлаб 140 нафар асаларичи қатнашган эди. Бу йилги кўрғазмага эса 300 дан ортиқ асаларичи йиғилди, – дейди Республика асаларичилар уюшмаси раиси Шерали Суярқулов. – Йилдан йилга асаларичилар сафи кенгаймоқда. Бу эса ажойиб соҳанинг ривожлантиришдан далолатдир.

ЮРТИМИЗДА АСАЛ БАЙРАМИ

Қолаверса, асаларичиларимиз қатор халқаро кўрғазмаларда ҳам иштирок этиб, тажриба алмашмоқда ҳамда ўз махсулотларини хорижга экспорт қилмоқдалар.

Маълумотларга назар ташлайдиган бўлса, шу йил мамлакатимиз бўйича 19.000 тонна асал етиштирилди, 800.000 дан ортиқ асалари оиласи боқилди. Юртимизда бу соҳа вакилларининг сони 14.500 кишидан ортди. 19.000 тонна асал экспорт қилинди. Асал билан бирга асалари оилалари ҳам четга чиқарилмоқда.

Шунингдек, халқаро алоқалар ҳам аста-секинлик билан кенг йўлга қўйилиб, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон билан савдо-сотиқ ишлари олиб борилмоқда. Бу йил Россия давлатида 10.000 дан ортиқ асалари боқиб келинди. Бу жараёнда асаларилар кузгача боқилиб, сўнгра юртимизга олиб келинади.

жамланган иловалар ҳам ишлаб чиқдим.

– Вилоятда 500 дан ортиқ асаларичи бор, – дейди 40 йилдан бери шу касбнинг бошини тутган Ориф Юнусов Хоразм вилояти ҳудудий асаларичилик уюшмаси раиси. – Неча йиллардан бери бу соҳага эътибор берилмаётган эди. Президентимизнинг 2017 йил қабул қилган асаларичиликни ривожлантириш бўйича қароридан сўнг бу соҳа жонлана бошлади. 2017 йили Россиянинг Доғистон республикаси бўлиб ўтган халқаро асаларичилар фестивалида қатнашдик. Бунда "Алоқабанк"нинг кўмағи салмоқли бўлди.

Бу халқаро тадбирларда юртимиз асаларичилари ҳаммасларининг тажрибаларини ўрганган ҳолда, ўз махсулотларини ҳам экспорт қилиш имконига эга бўлмоқдалар. Қўллаб-қўриқчи ҳамкорлар билан икки


Зоминлик асаларичи фермер Ориф Қаршиев ҳам 10 йилдан ошди шу касб билан шуғулланади. Банкдан 10 млн. сўм кредит маблағ олган. Ҳозирда унга қарашли "Раҳмонқул Муҳаммадиев" фермасида 160 та асалари оиласи мавжуд бўлиб, йилига 3-4 тонна асал етиштирилади. Вилоятдаги сиҳаттох, касалхона ва болалар боғчаларига асал етказиб берилди.

Ушбу соҳани халқаро андозаларга хос ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ва АТ "Алоқабанк" таъсисчилигида лизинг компанияси ташкил этилган. Тижорат банклари-нинг кредити ва лизинг компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан лизинг асосида асаларичилик учун зарур ускуналар ва инвентарлар, асалари уялари ишлаб чиқариш технологик линиялари, асал қадоқлаш ускуналарини етказиб бериш йўлга қўйилди. Компания асаларичиларга, асосан Польшада ишлаб чиқилган сифатли техник жиҳозларни етказиб беради.

– Бу байрам давомида ускуналаримизга қизиқиш билдирган қўллаб-қўриқчилар билан шартномалар имзоладди, – дейди компаниянинг етакчи мутахассиси Элдор Омонов. – Шуни билан бирга уларнинг хоҳиш-истакларини ҳам ўргандик. Эндиликда уларга зарур техник жиҳозларни олиб келишга ҳаракат қиламиз.

Шуни қўшимча қилиб керакки, жорий йилда республикада асалариларнинг зотини яхшилаш мақсадида Ғарбий Украинадан 2450та "Карпат" ва Германиядан 125 "Карника" зотли насли она-арилар келтирилди. Илмий мақсадлар учун Германиядан маҳаллий шароитга мослашишни ўрганиш учун 50 та Бақфаст зотли она асаларилар олиб келинди. Республика асаларичилик уюшмаси ҳамда "Алоқабанк" кўмағида амалга оширилган бу каби халқаро алоқалар ўзбек асаларининг жаҳон бозоридида ўз ўрнини топишига имкон беради.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Ситора ОХУНОВА.



Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси Алимондия халқаро асаларичилик уюшмалар федерациясининг аъзоси бўлган. Бу ҳамкорлик асаларичиликнинг халқаро тажрибаларини юртимизда қўллаш ҳамда бу соҳани ривожлантиришда қўл келади. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигида асаларичилик саноатининг асосий йўналиши – агротехника "чанглатиш"дан кенг фойдаланиш билан озиқ-овқат хавфсизлиги дастурининг амалга оширилишида муҳим ҳисса қўшмоқда, дея таъкидлади Шерали Суярқулов ўз сўзида.

Асал байрамида мамлакатнинг барча ҳудудларидан асаларичилар қатнашди. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бу касбнинг тажрибали мутахассислари ҳам шу ерга тўпланишган.

– Оиламизда 6 авлод вакиллари асаларичилик билан шуғулланиб келади, – дейди Андижон вилояти Булоқбоши туманидан келган иштирокчи Абдуманноп Олимжанов. – Яқинда 12-13 яшар икки нафар набирамга 8 та ари уйи ясаб бердим. Ҳозирда шу касбга меҳр қўйишган. Асални ҳалқимиз шифо ўрнида ҳам қўллайдим. 50 йиллик кузатишларим ва тажрибамдан келиб чиқиб, ҳозирда асал давосини ўрганиб, беморларга турли маслаҳатлар

томонлама ўзаро фойдаланиш шартномалар тузилмоқда.

Қайд этиш жоизки, мазкур тармоқ ривожини учун "Алоқабанк" томонидан асаларичиларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, уларнинг тадбиркорлиги кенг қўллаб-қувватланиб келинаётгани қўллаб-қўриқчиларнинг иш билан таъминланишига ва даромадининг ортишига хизмат қилмоқда.

Жумладан, хоразмлик Жаҳонгир Кенжаев 3 йилга 7,5 млн. кредит маблағи олиб, ўз ишини бошлади. Ҳозирда йилига 1,5 тонна асал етиштиряпти.



ХУШХАБАР

Жорий йилнинг декабрь ойидан бошлаб мамлакатимиздан Россиянинг Москва, Самара, Петербург, УФА каби 10 та шаҳрига мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОНДАН РОССИЯНИНГ 10 ТА ШАҲРИГА ЯНГИ АВТОБУС ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Автотранспорт хизматини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан йирик лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, "Uzavtotrans Service" МЧЖ корхонасида банк томонидан 20 миллион доллар кредит маблағи ажратилган бўлиб, ушбу маблағ ҳисобидан корхонага Хитойнинг "Zhengzhou Yutong Bus Co Ltd" компаниясида 168 донна замонавий автобус ва эҳтиёт қисмлар олиб келинган.

"Uzavtotrans Service" МЧЖ корхонаси томонидан келаси ой – декабрдан бошлаб Россиянинг 10 шаҳрига мунтазам автобус қатновлари йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.

– Айти пайтда 19 та маҳаллий ва 10 халқаро, жами 29 та йўналиш бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатяпмиз, – дейди "Uzavtotrans Service" МЧЖ бош директори А.Ҳамролиев. – Келаси ойдан бошлаб халқаро йўналишлар яна 10 тага ортади. Йўналишларга замонавий 168 та автобус қўйилган бўлиб, йўловчилар учун барча қулайлик мужассам.

Бу борада корхона томонидан хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, йўналишга чиқаётган ҳар бир автобус техник, ҳайдовчилар эса тиббий кўрикдан ўтказилади, автобусларнинг санитар ҳолати мунтазам назорат қилинади. Қатнов жараёни эса GPS тизими орқали онлайн тарзда назорат қилиб борилади.

Шунингдек, "Тошкент" автовокзалида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, мажмуа шу йилнинг май ойида фойдаланишга топширилиб, у ерда бир вақтининг ўзида 2 мингдан зиёд йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Автошўхбекатда диспетчерлик хизмати, чиптахона, кўтиш зали ва VIP залда йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Меҳмонхона, она ва бола ҳамда тиббиёт хоналари, савдо дўконлари, кафе-бар, миллий таомлар ошхонаси кеча-ю кундуз йўловчилар хизматида.

АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК”: “ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА” ЎЗГАРИШЛАР АРАҒАСИДА

Жорий йилнинг 4-5 декабрь кунлари Фарғона вилоятида Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” журналистлар учун навбатдаги пресс-турни уюштирди. АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг филиаллари фаолиятига бағишланган бу тадбирда 20 га яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари, матбуот ходимлари ҳамда соҳа мутасаддилари иштирок этишди.

Вилоятда айна вақтда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Фарғона минтақавий филиали, Қўқон, Маргилон, Қува филиаллари мижозларга хизматлар кўрсатмоқда. Пресс-тур доирасида журналистларга вилоятдаги банк тузилмалари эришадиган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида маълумот берилди. Унда хизматлар кўлами ва банк мижозлари сони муттасил кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Пресс-тур иштирокчилари дастлаб Қува шаҳрида ташкил қилинган “AGRO SERVICE ASIA” МЧЖ фаолияти, бу корхонага АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига янги иш ўринлари ажратилгани, қишлоқ хўжалигидаги интенсив усулда ривожланиш натижасида эришилган ютуқларга гувоҳ бўлдилар. Бу ерда музлаткич оғборхонаси фаолиятини йўлга қўйиш ва иссиқхона қуриш лойиҳасига кўра салмоқли ишлар амалга оширилган. Мазкур корхона иссиқхона шароитида қандай мавсум бўлишидан қатъи назар аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотига бўлган талабини қондиришга астойдил бел болаганлар. Бу мақсаднинг эзгу томони шундаки, шу вақтгача мавсумга қараб ўзгарадиган бозор нархлари барқарорлашади. Масалан, ҳалқимиз қишлоқ хўжалиги экинларидан айтайлик, помидор ёки бодрингни ҳатто қишда ҳам янги узилганини истеъмол қилиши мумкин бўлади. Энг асосийси, бозор нархлари кўтарилиб-тушмайди, бир хил бўлади. Лойиҳа асосида ташкил этилган музлаткич оғборхонасида мева ва сабзавотларни аҳолига сифатли тарзда етказиб беришни мақсад қилган.

Бу самарадор лойиҳанинг

умумий қиймати 4,6 млн. АҚШ доллари бўлиб, шундан 2,6 млн. АҚШ долларини “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан йўналтирилган кредит ташкил қилади. Банк сармояси ҳисобига замонавий иссиқхона барпо этилмоқда. Ташкил қилинган музлаткич оғборхонасида йилига 1 млрд. 800 млн. сўмлик даромад олиш, иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотларни эса Россия Федерациясига экспорт қилиш кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида жами 60 та доимий ва 150 та мавсумий иш ўрни яратилди.

Журналистлар Тошлоқ туманидаги “Vodiy Zamin Plast” МЧЖ фаолияти билан танишдилар. Корхона пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳа учун банк томонидан 150 минг АҚШ доллари миқдорига сармоя ажратилган. Кредит маблағлари ҳисобидан замонавий пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари олиб келиб ўрнатилган. Корхона йилига 1 млрд. 500 млн. сўмлик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштирган. Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва тайёр маҳсулотлар журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Жорий йилда Фарғона вилоятида 230 та уй-жой қурилиши “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан молиялаштирилмоқда. Қурилаётган уй-жойларнинг 204 таси энергия тежамкор уйлар ҳисобланади. Бундай уйларда ишлатиладиган барча энергия тежовчи ечимлардан фойдаланишдан ташқари ёруғлик эҳтиёжларини энергия билан таъминлаш учун фотоэлектрик қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Энг муҳими, бу ускуналар ўрнатилиши билан

боғлиқ харажатлар “Қишлоқ қурилиш банк” ҳамкорлари томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобидан қопланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари Олтиариқ тумани “Қапчугай” массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилган арзон ва энергия тежамкор уй-жойларга ташриф буюриб, хонадон соҳиблари билан суҳбатлашдилар.

Данғара туманидаги “Urojay Vostoka” МЧЖнинг иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан ҳам танишилди. Мазкур лойиҳа қиймати 44 млрд. сўм бўлиб, “Қишлоқ қурилиш банк” филиали томонидан 4 млн. АҚШ доллари кредит ажратилган. Корхона йил давомида 6 млрд. сўмлик маҳсулот етиштиришни ва хорижга экспорт қилишни режалаштирган. Энг муҳими, лойиҳа орқали 70 та доимий иш ўрни яратилади.

Энди АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Фарғона вилояти филиаллари томонидан ажратилган кредитларга келсак, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига филиал бўйича жами кредит қўйилмаси 163 095 000,0 минг сўмни ташкил этиб, улардан 7 986 570,5 минг сўми қисқа мuddатли ва 155 108 429,5 минг сўми узок мuddатли кредитлардан иборат. Кредит портфели таркибида юридик шахсларга берилган кредитлар миқдори 136 071 000,0 минг сўмни ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар миқдори 27 024 000,0 минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида банк филиаллари томонидан жами 778 341 800,0 минг сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 5 133 321,9 минг сўми қисқа мuddатли кредитлар ва 773 208 478,07 минг сўми узок мuddатли кредитлардан иборат.

Кредит портфелини филиаллар кесимида таҳлил этилганда, 2019 йилнинг 1 декабрь ҳолатига Фарғона минтақавий филиалининг кредит портфели 58 568 202,8 минг сўми, Маргилон филиалининг кредит портфели 53 805 748,8 минг сўми, Қўқон филиалини 28 037 119,8 минг сўми ҳамда Қува филиали 22 685 478,8 минг сўми ташкил этиши кузатилади.

Бугунги кунда иқтисодий ислохотларнинг ўзагини ташкил этаётган “Хар бир оила тадбиркор” дастури доирасида Фарғона минтақавий ва туман филиаллари бўйича жами 2220 нафар фуқаро тадбиркорликка жалб қилиниб, 41 026 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шундан тармоқлар бўйича: чорвачиликни ривожлантириш учун 21 813 млн. сўм; паррандчиликни ташкил этишга 794 млн. сўм; қишлоқ хўжалиги экинла-



рига иссиқхона ташкил қилиш учун 3240 млн. сўм; хунармандчиликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга 1379 млн. сўм; асаларичилик ҳамда бошқа соҳалар учун 13 800 млн. сўм маблағ ажратилган.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Фарғона минтақавий филиали томонидан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича анча самарали натижаларга эришган. Хусусан, минтақавий филиал томонидан аҳолини тадбиркорликка қизиқтириш ва рағбатлантириш мақсадида жами 402 нафар фуқарога 8 404 млн. сўм миқдорига имтиёзли кредитлар ажратилган. Шундан тармоқлар бўйича: 203 нафар фуқарога чорвачиликни ривожлантириш учун 5 258 млн. сўм; 5 нафар кишига паррандчиликни ташкил этишга 121 млн. сўм; 21 нафар тадбиркор учун қишлоқ хўжалиги экинларига ихчам иссиқхона ташкил қилиш учун 495 млн. сўм; 12 нафар фуқарога асаларичиликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга 306 млн. сўм; 161 нафар фуқарога хунармандчилик ҳамда бошқа турли соҳалар учун 2 224 млн. сўм маблағ берилган.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, банкнинг инвестиция лойиҳалари бўйича жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига Хитой Экзим банки ҳисобидан 875 900 АҚШ долларида, ХТА револвер ҳисобидан 310 482 АҚШ долларида, ХТА-2 ҳисобидан 326 570 АҚШ долларида, ХТТБ ҳисобидан 2 989 018 АҚШ долларида, Россиянинг Транскапиталбанк синдикациялашган кредит линияси ҳисобидан 295 000 ЕВРОда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Депозит маблағлари ҳисобидан 3 246 272, 06 АҚШ долларида ҳамда Банк томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 600 000 АҚШ долларида узок мuddатли кредит маблағлари ажратилган.

Пресс-тур давомида журналистлар ва мутасадди ходимлар бошқа туманларда ҳам “AGRO SERVICE ASIA” МЧЖ каби интенсив фаолият-

ни йўлга қўйган корхоналарга ҳам ташриф буюриб, замон талабига кўра фойдали иш коэффиценти юқори бўлган технологияларни кўриб, гувоҳи бўлдилар.

Айниқса, Уч кўприк туманида ташкил этилган эркин иқтисодий зонада жойлашган – велосипед ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “GLORIOUS BUSINESS” МЧЖнинг фаолияти ва лойиҳалари кўпчиликда ижобий таассурот қолдирди. Аввало, велосипед ҳам бугунги кунда аҳолининг транспортга бўлган талабини қондиришда долзарбдир. Қолаверса, экологик ва соғлиқ нуқтаи назаридан ҳам велосипед ишлаб чиқаришга катта эҳтиёж сезилаётган эди. Биз журналистлар бу корхонада ишлаб чиқарилаётган велосипедларни ҳатто миниб кўрдик. Мустаҳкамлиги, ўзига хос турли габаритда ишлаб чиқарилаётган велосипедлар аҳоли талабига ярайди деб, ўйлаймиз. “GLORIOUS BUSINESS” МЧЖнинг велосипед ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш лойиҳасининг умумий қиймати 3710,0 млн. сўмни ташкил этади. Шундан банк кредити 300,0 млн. сўм, корхонанинг ўз маблағи 3410,0 млн. сўм, ишлаб чиқариш ҳажми йилига 2500,0 млн. сўм экан. Яратилган иш ўрни эса 50 нафар. Бу корхона жорий йилнинг тўртинчи чорагида тўла фаолият кўрсатиб, корхона дўконига турли ёшдагилар учун велосипедларни сотувга чиқарган. Бундан ташқари корхона ҳеч қандай устама ҳақисиз мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларига талабга кўра велосипед етказиб беришни мақсад қилган. Бу эзгу мақсадни қанчалик тўғрилигини синаш учун биз ҳам велосипед буюртма қилдик.

Хуллас, журналистлар Банкнинг жойлардаги филиалларида мижозлар учун яратилган қулайликлар билан танишиб бормоқдалар. Бундай пресс-турлар мамлакатимизнинг бошқа хууддларига ҳам режалаштирилмоқда.

Ш. ЖАББОР



ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИДАГИ ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

КИРИШ

2018 йилнинг II чорагидан бошлаб, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иқтисодий ҳолат ва истиқболдаги кутилмаларини ўрганиш юзасидан даврий (чорақлик) сўров ўтказиш йўлга қўйилди. Ушбу ахборотда реал сектор корхоналари кузатувининг 2019 йилнинг III чорақ якунлари бўйича натижалари тақдим қилинмоқда.

Мазкур сўровни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолатни ва ўзгаришларни мониторинг ва таҳлил қилиб бориш ҳамда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг мамлакат иқтисодиётидаги жараёнлардаги кутилмаларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади. Сўровнома шакли қатор хорижий марказий банклар, шу жумладан Россия Федерацияси Марказий банки, Қозоғистон Республикаси Миллий банки ва бошқа МДҲ давлатлари марказий банклари тажрибасини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, жами 27 та саволни ўз ичига қамраб олган.

Сўровнома қуйидаги 5 та бўлимдан иборат:


- умумий иқтисодий ҳолат ва ишлаб чиқариш;
- корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати;
- маҳсулотлар (ишлар, товар ва хизматлар) нархларининг шаклланиши;
- корхоналарнинг инвестицион фаолияти;
- корхоналарнинг яқин истиқболдаги кутилмалари.

Мазкур сўров ҳар чорақ якуни бўйича Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари томонидан сўровнома шакллари бевосита корхона ва ташкилотларга тарқатиш орқали ўтказиб борилади.

I. СЎРОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ

2019 йил III чорагида ўтказилган сўров доирасида жами 850 та корхона ва ташкилотлар иштирок этган бўлиб (сўров иштирокчилари таркиби 2019 йил II чорагидан бошлаб қарийб 2 баробарга ёки 433 тадан 850 гагача оширилди), уларнинг 194 таси (23,2 фоизи) озиқ-овқат саноати, 168 таси (20 фоизи) енгил саноат, 101 таси (12,1 фоизи) қурилиш материаллари саноати, 89 таси (10,6 фоизи) савдо ва умумий оватланиш, 68 таси (8,1 фоизи) қурилиш ишлари соҳаси, 61 таси (7,3 фоизи) транспорт соҳаси, 52 таси (6,2 фоизи) кимё саноати, 35 таси (4,2 фоизи) тиббий хизмат соҳаси, 28 таси (3,3 фоизи) туризм хизмати соҳаси, 11 таси (1,3 фоизи) нефть-газ саноати ҳамда қолган 43 таси (5,1 фоизи) электро-энергетика, донни қайта ишлаш, тоғ-кон саноати, автомобиль саноатида ҳамда бошқа соҳаларда фаолият юритади (1-расм).


1-РАСМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ (КОРХОНАЛАР Сони)



Хусусан, сўровни ўтказиш жараёнида республика иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган "Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзқурилишматериаллари" АЖ, "Ўзкимёсаноат" АЖ, "Ўзшаробсаноат" АЖ, "Ўздонмаҳсулот" АЖ, "Ўзавтосаноат" АЖ ва "Ўзэлтехсаноат" АЖ таркибига кирувчи корхоналар ҳамда

"Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати" АЖ, "Навоий тоғ-кон металлургия комбинати" ДУК, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК каби йирик корхона ва ташкилотлар қамраб олинди. Худудлар кесимида, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотлар умумий сонидан Тошкент шаҳрининг улуши 10,8 фоизи, Тошкент вилоятининг улуши 10,5 фоизи, Самарқанд вилояти улуши 7,6 фоизи, Фарғона вилояти улуши 7,1 фоизи, Қашқадарё вилояти улуши 6,8 фоизи, Бухоро вилояти улуши 6,5 фоизи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари улуши 6,4 фоизи ташкил қилади (2-расм)

2-РАСМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХУДУДЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ (КОРХОНАЛАР Сони)



Сўров доирасида республика ҳудудлари иқтисодиётидаги жорий ҳолатни ва ўзгаришларни тўлақонли ва сифатли баҳолаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиётининг деярли барча асосий тармоқлари ва ҳар бир тармоқ бўйича камида 2 тадан корхона (ташкилот) сўровда қатнашиш учун танлаб олинган.

II. РЕЗЮМЕ

2019 йилнинг III чораги якуни бўйича реал сектор корхоналари билан ўтказилган сўров натижалари мазкур чорақ мобайнида иқтисодиёт реал секторидаги умумий ҳолатнинг II чораққа нисбатан янада яхшиланганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг III чораги якуни бўйича:

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг реал ҳисобда ошганлигини маълум қилган корхона ва ташкилотлар улуши 2019 йилнинг II чорагидаги каби юқори даражада сақланиб қолган (65 фоиз). Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши бўйича ҳисобланган диффузион индекс қийматининг 2019 йил II чорагидаги 75,1 дан III чорақда 76,8 гача ошганлиги ҳам ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишининг нисбатан тезлашганлигини кўрсатади.

Бунда, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши хусусий сектор корхоналарининг 64 фоизи-да ҳамда давлат улушига эга корхоналарининг 63 фоизда кузатилди. 1 Кўрсаткичнинг ўзгариш динамикасини ифодалайди. Индекснинг 50 дан юқори бўлиши ижобий ўзгаришни, 50 дан паст бўлиши салбий ўзгаришни аниқлатади.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 57 фоизи ўз маҳсулотларига (иш, хизматларига) талабнинг ошганлигини маълум қилган бўлиб, хусусий сектор корхоналарининг 58 фоизи ҳамда давлат улушига эга корхоналарининг 49 фоизи ўз маҳсулотларига (иш, хизматларига) талабнинг ошганлигини қайд этган.

Сўнгги чорақда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичи бирмунча яхшиланган бўлиб, мазкур кўрсаткич 60 фоиздан юқори бўлган корхона ва ташкилотлар улуши 2019 йил II чорақдаги 81 фоиздан III чорақда 85 фоизгача ошган.

Экспорт ҳажмининг ошганлигини маълум қилган корхона ва ташкилотлар улуши II чорақдаги 56 фоиздан 60 фоизгача кўпайган бўлиб, экспорт ҳажмининг ўзгариши бўйича ҳисобланган диффузион индекс қиймати ҳам 69,4 дан 71 гача ошган. Бунда, экспорт ҳажмининг ошганлигини қайд қилган респондентлар улуши давлат корхоналари секторида 47 фоизни, хусусий сектор корхоналарида 63 фоизни ташкил қилган.

Шунингдек, табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган корхоналар улуши 2019 йил II чорақдаги 33 фоиздан III чорақда 29 фоизгача, электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган корхоналар улуши эса 42 фоиздан 39 фоизгача камайган.

Сўров давомида респондентларнинг 37 фоизи (2019 йилнинг II чорагида ҳам 37 фоиз) янги иш ўринлари яратилганлигини маълум қилган. Бунда, иш ўринлари сонининг ошганлигини кўрсатиб ўтган хусусий сектор корхоналари улуши давлат корхоналари секторига (20 фоиз) нисбатан юқори бўлиб, 39 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги ижобий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислохотлар, хусусан бизнес ва инвестицион муҳитни яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг кучайганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Шу билан бирга, сўров натижалари мамлакатда айрим кўрсаткичлар бўйича иқтисодий фаоллик даражасининг бирмунча сустр шаклланганлигини ҳам кўрсатмоқда.

Хусусан, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаоллик даражаси мазкур чорақда нисбатан пасайган бўлиб, асосий капиталга инвестицияларни амалга оширган респондентлар улуши II чорақдаги 31 фоиздан 27 фоизгача камайган.

(Давоми 11-саҳифада)

(Бошланиши 10-саҳифада)

Сўров натижалари инвестицион фаолликнинг давлат корхоналари секторида (корхоналарнинг 39 фоизи инвестицион харажатларни амалга оширган) хусусий секторга (26 фоиз) нисбатан сезиларли даражада юқори шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, 2019 йилнинг II чорагида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўққинлик қилаётган омиллар юзасидан энергия манбалари ҳамда хомашё материаллари нархларининг юқорилигини маълум қилган респондентлар улушининг ошганлиги кузатилди.

Экспорт ҳажмининг ўсишига тўққинлик қилаётган омиллар юзасидан ташқи бозор конъюнктураси бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини маълум қилган респондентлар улуши 2019 йилнинг II чорагидаги 21 фоиздан III чорақда 23 фоизгача, транспорт харажатларининг юқорилигини

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълум қилган респондентлар улуши эса 20 фоиздан 22 фоизгача ошган бўлиб, бу ўз навбатида реал сектор корхона ва ташкилотларининг экспорт фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини аниқлатади.

Шунингдек, сўров натижалари иқтисодийнинг реал секторидagi ўсиш тенденцияларининг жорий йилнинг IV чораги мобайнида ҳам сақланиб қолиши кутилаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, респондент корхона ва ташкилотларнинг қарийб 64 фоизда маҳсулотлар (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг (реал ҳисобда) ҳамда 65 фоизда экспорт ҳажмининг III чораққа нисбатан ошиши кутилмоқда.

III. ЖОРИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ


3.1. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ва талабнинг ўзгариши

Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгариши юзасидан олинган жавоблар, 2019 йилнинг III чорагида иқтисодий реал секторидa ишлаб чиқариш ҳажмлари ошиши ижобий динамикасининг сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ишлаб чиқариш ҳажмлари реал ҳисобда ошган корхона ва ташкилотлар улуши 2019 йилнинг II чорагидаги 65 фоиз даражасида сақланиб қолган бўлиб, унинг пасайганлигини маълум қилган респондентлар улуши 15 фоиздан 11 фоизгача камайган (3-расм).

Бунда, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши сўровда қатнашган давлат улушига эга корхоналарнинг 73 фоизда, хусусий сектор корхоналарининг эса 64 фоизда кузатилди.

3-РАСМ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ




*2019 йилнинг IV чораги якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Мазкур сўров натижаларини таҳлил қилишда халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган диффузион индексдан фойдаланилган бўлиб, ушбу индекс сўров доирасида ўрганилаётган кўрсаткичнинг умумий ўзгариш динамикасини ифодалайди. Диффузион индекс ижобий жавоблар улушига "ўзгармади" деб белгиланган жавоблар улушининг ярмини қўшиш орқали ҳисобланади, ҳамда бу индекснинг 50 дан юқорига қараб кўтарилиши кўрсаткичнинг яхшиланганлигини, 50 дан пастга қараб силжиши ёмонлашганлигини, 50 га тенг бўлиши эса кўрсаткич динамикасида ижобий (ёки салбий) ўзгариш кузатилмаётганлигини билдиради.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши бўйича ҳисобланган диффузион индекс қийматининг 2019 йилнинг II чорагидаги 75,1 дан III чорақда 76,9 гача ошганлиги иқтисодий реал секторидa ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг нисбатан тезлашганлигини кўрсатади (4-расм).

4-РАСМ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЎЗГАРИШИНИНГ ДИФFUЗИОН ИНДЕКСИ



*2019 йилнинг IV чораги якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Тармоқлар кесимида ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши диффузион индексининг электр энергетика тармоғида II чорақдаги 61,1 дан III чорақда 83,3 гача, тоғ-кон саноатида 90 дан 100 гача, нефт-газ саноатида 59,1 дан 65 гача, енгил саноатда 72,6 дан 77,7 гача ҳамда кимё саноатида 72,4 дан 76,1 гача ошганлиги, яъни мазкур тармоқларда ишлаб чиқариш ўсиши суръатларининг тезлашганлиги кузатилди.

Шу билан бирга, III чорақда диффузион индекснинг пасайиши, яъни ўсиш суръатларининг секинлашиши қурилиш материаллари соҳасида (83,6 дан 77 гача), тиббий хизмат соҳасида (75 дан 64 гача) ҳамда туризм хизмати соҳасида (84,5 дан 81,7 гача) қайд қилинган.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши юзасидан жорий йилнинг IV чораги якуни бўйича кутилмалар ўрганилганда, тегишли диффузион индекс қийматининг III чорақдагига нисбатан бирмунча пасайиши (76,4 гача) ёки, бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш ўсиши суръатларининг нисбатан секинлашиши мумкинлиги маълум бўлди.

Маҳсулотларга (ишлар, хизматларга) талабнинг ўзгариши юзасидан олинган жавобларга кўра жорий йилнинг III чорагида респондентларнинг 57 фоизда (2019 йилнинг II чорагида 56 фоиз) уларнинг маҳсулотларига (иш, хизматларига) талаб кўпайган (5-расм).


Бунда, талабнинг ўзгариши бўйича ҳисобланган диффузион индекс 2019 йилнинг II чорагидаги 71,3 дан 2019 йилнинг III чорагида 73,3 гача ортанлиги мазкур чорақда сўровда қатнашган корхона ва ташкилотлар маҳсулотларига (иш, хизматларига) талабнинг ортиши янада тезлашганлигини билдиради (6-расм).

5-РАСМ. МАҲСУЛОТЛАРГА (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРГА) ТАЛАБНИНГ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ



*2019 йилнинг IV чораги якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

6-РАСМ. МАҲСУЛОТЛАРГА (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРГА) ТАЛАБ ЎЗГАРИШИНИНГ ДИФFUЗИОН ИНДЕКСИ



*2019 йилнинг IV чораги якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Таъкидлаш жоизки, сўров натижалари таҳлили иқтисодий реал секторидagi ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳамда маҳсулотларга (иш, хизматларга) талабнинг ўзгариши ўртасида кучли мусбат корреляция (корреляция коэффициенти=0,6) мавжудлигини кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодийда ялли талабнинг ошиши реал сектор корхона ва ташкилотларидa маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишини рағбатлантираётган муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўров натижалари маҳсулотларга (иш, хизматларга) талабнинг ўсиши хусусий сектор корхоналарида давлат корхоналари секторига нисбатан юқори шаклланганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, хусусий корхона ва ташкилотларнинг 58 фоизи (давлат корхоналари секторидa 49 фоиз) ўз маҳсулотларига (иш, хизматларига) талабнинг ошганлигини қайд этган.

Бунда, тармоқлар кесимида қаралганда, II чорақ мобайнида маҳсулотларга (ишлар, хизматларга) талаб ўсишининг тезлашиши (диффузион индекснинг ўсиши) асосан, енгил саноатда, озик-овқат саноатида, электр-энергетика тармоғида, кимё саноати ҳамда донни қайта ишлаш соҳасида кузатилмоқда.


2019 йилнинг IV чораги учун ҳам маҳсулотларга (ишлар, хизматларга) талаб ўсиши бўйича кутилмалар ижобий шаклланган бўлиб, респондентларнинг 62 фоизи (III чорақда 57 фоизи) IV чорақда талабнинг янада ошиши кутилаётганлигини маълум қилган (тегишли диффузион индекснинг 73,3 дан 75,5 гача ошиши кутилмоқда).

ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИДАГИ ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

(Бошланиши 11-саҳифада)

Шунингдек, сўров доирасида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўқтинлик қилаётган омиллар ўрганилган бўлиб, бундай омиллар сифатида энергия манбалари нархларининг юқорилигини маълум қилган респондентлар улуши II чорақдаги 25 фоиздан III чорақда 27 фоизгача ҳамда хомашё материаллари нархларининг юқорилигини маълум қилган респондентлар улуши 32 фоиздан 36 фоизгача кўпайган (7-расм).

7-РАСМ. МАҲСУЛОТЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАЁТГАН ОМИЛЛАР




Бунда, энергия нархларининг юқорилигини қайд этган респондентлар улушининг кўпайганлигини жорий йилнинг август ойидан электр энергияси ва табиий газ нархининг ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Хомашё нархларининг юқорилигини қайд этган респондентлар улушининг ортиши эса август ойида миллий валюта алмашув курсининг сезиларли даражада қадрсизланишининг импорт хомашёлар нархига таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3.2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ўзга-риши


2019 йилнинг III чорагида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ошиши бўйича олинган жавоблар мазкур даврда маҳсулотлари таннархининг ошганлигини маълум қилган корхона ва ташкилотлар улушининг 2019 йилнинг II чорагидаги 46 фоиздан 56 фоизгача кўпайганлигини кўрсатмоқда (8-расм).

8-РАСМ. МАҲСУЛОТЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ТАННАРХИНИНГ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ




Мазкур ҳолат ҳамда таннарх ўзгариши бўйича ҳисобланган диффузион индекснинг II чорақдаги 70,6 фоиздан 76,3 фоизгача ошганлиги ҳам маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи ошишининг нисбатан тезлашганлигини англатади. (9-расм).

9-РАСМ. МАҲСУЛОТЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ТАННАРХИНИНГ ЎЗГАРИШИНИНГ ДИФФУЗИОН ИНДЕКСИ



Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи ўсишининг асосий омили сифатида электр энергияси, табиий газ ва бошқа ёқилғи нархлари ошганлигини қайд этган респондентлар улуши II чорақдаги 39 фоиздан III чорақда 57 фоизгача, хомашё нархларини ошганлигини қайд этган респондентлар улуши 74 фоиздан 78 фоизгача ҳамда иш ҳақи харажатларининг ошганлигини қайд этган респондентлар улуши 32 фоиздан 40 фоизгача кўпайган (10-расм).


10-РАСМ. МАҲСУЛОТЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ТАННАРХИНИНГ ОШИШИГА САБАБ БЎЛГАН ОМИЛЛАР



3.3. Ташқи иқтисодий фаолият.

2019 йил III чорагида экспорт ҳажмининг ўзгариши бўйича ҳисобланган диффузион индекс II чорақдаги 69,4 дан 71 гача ошган бўлиб, бундай ижобий динамика экспорт ҳажми ошишининг нисбатан тезлашганлигини билдиради. Таъкидлаш жоизки, экспорт ҳажми ошишининг тезлашиши 2019 йилнинг барча чорақлари мобайнида кузатишмоқда (11-расм).


11-РАСМ. ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИНГ ЎЗГАРИШИНИНГ ДИФФУЗИОН ИНДЕКСИ



Хусусан, 2019 йилнинг II ва III чорагида экспорт ҳажмининг ошганлигини маълум қилган корхона ва ташкилотлар улуши I чорақ-даги 49 фоиздан мос равишда 56 ва 60 фоизгача кўпайган (12-расм).

Тармоқлар кесимида қаралганда диффузион индекснинг кимё sanoатида II чорақда 66,7 дан 70,5 гача, автомобил sanoатида 50 дан 60 гача, қурилиш материаллари соҳасида 67,9 дан 71,4 гача, қурилиш хизмати соҳасида 37,5 дан 75 гача, туризм хизмати соҳасида 67,6 дан 85,7 гача, табиий хизмат соҳасида 16,7 дан 62,5 гача ошганлиги мазкур тармоқларда экспорт ҳажмининг кўпайганлигидан далолат беради.

12-РАСМ. ЭКСПОРТ ҲАЖМЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ



Шу билан бирга, экспорт ҳажми ўсиш суръатларининг секинлашиши озиқ-овқат sanoатида (диффузион индекс 78,8 дан 74,2 гача пасайган), нефть-газ sanoатида (87,5 дан 62,5 гача), тоғ-кон sanoатида (100 дан 50 гача) ҳамда транспорт хизмати соҳасида (88,9 дан 71,4 гача) кузатишмоқда.

2019 йил III чорақ 15 ўзгариши бўйича диффузион индекс 71 дан 74,5 гача ошиши кутилатганлиги, йилнинг сўнги чорагида ҳам экспорт ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ ижобий тенденцияларнинг сақланиб қолишини кўрсатмоқда.

(Давоми 13-саҳифада)


(Бошланиши 12-саҳифада)

Шу билан бирга, III чорақда экспорт ҳажмининг жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажмидаги улуши 30 фоиздан юқори бўлган корхона ва ташкилотлар улуши II чорақдаги 36 фоиздан қарийб 42 фоизгача кўпайган. Бу ҳам ўз навбатида, иқтисодиёт реал секторидаги корхона ва ташкилотларнинг экспорт фаолияти кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.


Экспорт ҳажмининг ўсишига тўққинлик қилаётган омиллар ўрганилганда, корхона ва ташкилотлар маҳсулотларига ташқи бозорлардаги талаб ва нарх бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги шунингдек, транспорт харажатларининг юқорилиги каби омилларнинг салбий таъсири ортиб бораётганлиги маълум бўлди (13-расм).

Хусусан, экспорт ҳажмининг ўсишига тўққинлик қилаётган омиллар юзасидан ташқи бозор конъюнктураси бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини маълум қилган респондентлар улуши 2019 йилнинг I чорақдаги 17 фоиздан II чорақда 21 фоизгача, III чорақда эса 23 фоизгача ошган.

13-РАСМ. ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИНГ ЎСИШИГА ТЎҚҚИНЛИК ҚИЛАЁТГАН ОМИЛЛАР БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ



14-РАСМ. МАВЖУД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИНИНГ КОРХОНАЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ



Бу эса, реал сектор корхона ва ташкилотларининг экспорт фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида реал сектор корхоналарига экспорт ахборот-консултатив ёрдам кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини англатади.

Шу билан бирга, сўнгги сўров натижаларига кўра, экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаблигини таъкидлаган респондентлар улуши камайган.

3.4. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати
Сўров натижалари 2019 йилнинг III чорақда иқтисодиёт реал секторида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичининг нисбатан яхшиланганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 60 фоиздан юқори бўлган корхона ва ташкилотлар улуши 2019 йил II чорақдаги 81 фоиздан III чорақда 85 фоизгача ошган бўлса, 60 фоиздан паст бўлган респондентлар улуши эса 19 фоиздан 15 фоизгача камайган (14-расм).

Бунда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг 60 фоиздан юқорилигини қайд этган респондентлар улуши кимё саноатида 67 фоиздан 78 фоизгача, донни қайта ишлаш соҳасида 78 фоиздан 100 фоизгача, автомобил саноатида 78 фоиздан 80 фоизгача, қурилиш хизмати соҳасида 81 фоиздан 93 фоизгача, транспорт соҳасида 77 фоиздан 89 фоизгача ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 78 фоиздан 90 фоизгача кўпайган.

Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмасликнинг омиллари сифатида хомашё таъминоти билан боғлиқ муаммоларни қайд этган респондентлар улуши II чорақдаги 26 фоиздан III чорақда 28 фоизгача, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар 7 фоиздан 8 фоизгача ошганлиги мазкур муаммоларнинг ўтган чорақларга нисбатан кучайганлигини билдиради.

15-РАСМ. МАВЖУД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН ТЎЛИҚ ФЙДАЛАНИЛМАСЛИК САБАБЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ




Шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг пастлигини билдирган респондентлар улуши II чорақдаги 26 фоиздан III чорақда 18 фоизгача камайганлиги иқтисодиётда маҳсулот (иш, хизматлар) талабнинг ошаётганлигидан далолат беради (15-расм).

3.5. Инфратузилма билан таъминланиш ҳолати
2019 йилнинг III чорақи якуни бўйича ўтказилган сўров натижалари корхона ва ташкилотларнинг энергия манбалари билан таъминланиш ҳолатининг аввалги чорақка нисбатан яхшиланганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган корхоналар улуши 2019 йил II чорақдаги 33 фоиздан 2019 йил III чорақда 29 фоизгача камайган (16-расм).


16-РАСМ. ТАБИЙ ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ



Шунингдек, электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини маълум қилган респондент корхона ва ташкилотлар улуши ҳам 42 фоиздан 39 фоизгача камайган (17-расм).

Энергия манбалари таъминотида муаммолар мавжудлигини маълум қилган респондентлар улуши хусусий секторда нисбатан юқори бўлиб, хусусан, хусусий сектор корхона ва ташкилотларининг 41 фоизи (давлат корхоналари секторида 14 фоизи) электр энергияси таъминотида ҳамда 31 фоизи (давлат корхоналари секторида 16 фоиз) табиий газ таъминотида муаммоларга дуч келаётганлигини маълум қилган.

17-РАСМ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ



3.6. Инвестицион фаолият

2019 йилнинг III чорақи мобайнида сўровда иштирок этган реал сектор корхона ва ташкилотларининг инвестицион фаоллиги (ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга ошириш) пайсаян бўлиб, инвестицион харажатларни амалга оширган респондентларнинг улуши II чорақдаги 31 фоиздан III чорақда 27 фоизгача камайган (18-расм).

ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИДАГИ ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

(Бошланиши 13-саҳифада)

18-РАСМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИ



*2019 йилнинг IV чорағи якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Инвестицион фаолликнинг пасайиши асосан давлат корхоналари секторига қайд қилинган бўлиб, инвестицион харажатларни амалга ошираётган давлат улуши мавжуд корхона ва ташкилотлар улуши II чорақдаги 53 фоиздан III чорақда 39 фоизгача камайган.

Шунга қарамай, сўров натижалари давлат корхоналари секторига инвестицион фаоллик даражасининг хусусий сектордагига (инвестицион харажатларни амалга ошираётган корхона ва ташкилотлар улуши – 26 фоиз) нисбатан юқори даражада шаклланилигини кўрсатмоқда.

Бу эса, мамлакатда сўнгги даврларда кузатилаётган юқори инвестицион фаолликнинг асосан давлат корхоналари секторига юз бераётганлигидан далолат беради.

Тармоқлар кесимида қаралганда асосий капиталга инвеститсияларни амалга оширган корхона ва ташкилотлар улуши автомобил саноатида 11 фоиздан 60 фоизгача, донни қайта ишлаш соҳасида 33 фоиздан 50 фоизгача, тоғ-кон саноатида 60 фоиздан 67 фоизгача, кимё саноатида 35 фоиздан 41 фоизгача ҳамда енгил саноатда 30 фоиздан 36 фоизгача кўпайган.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида корхона ва ташкилотларнинг 65 фоизи фойда ва ўз маблағларини (2019 йил II чорақда 61 фоиз) ва 49 фоизи банк кредитларини (II чорақда 44 фоиз) кўрсатган.

Бунда, инвестицияларни молиялаштиришда банк кредитлари ва лизинг хизматларидан фойдаланиш даражаси хусусий сектор корхоналарида (54 фоиз) давлат корхоналари секторига (41 фоиз) нисбатан юқорирақ шаклланиган.

Инвестицияларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад юзасидан олинган жавобларнинг тақсимланиши сўнгги чорақда корхона ва ташкилотларнинг 61 фоизи ишлаб чиқаришни кенгайтириш (2019 йил II чорақда 52 фоиз), 44 фоизи ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва самарадорлигини ошириш (II чорақда 46 фоиз) ҳамда 25 фоизи (II чорақда 29 фоиз) янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида асосий капиталга инвестицияларни амалга оширилганини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, корхона ва ташкилотларнинг IV чорақ учун кутилмалари таҳлили мамлакатда инвестицион фаоллик даражасининг йилнинг сўнгги чорағи давомида нисбатан пасайиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

3.7. Кредитлаш шарт-шароитлари.

Сўров натижаларига кўра, 2019 йилнинг III чорағида тижорат банкларида кредит маблағлари жалб қилган корхона ва ташкилотлар улуши 2019 йил II чорағидаги 42 фоиздан 40 фоизгача камайган.

Тармоқлар кесимида кредит маблағларини жалб қилган корхона ва ташкилотлар улуши нефт-газ саноатида 2019 йилнинг II чорағидаги 30 фоиздан III чорақда 10 фоизгача, автомобил саноатида 33 фоиз-

дан 20 фоизгача, электроэнергетика тармоғида 56 фоиздан 44 фоизгача, кимё саноатида 45 фоиздан 35 фоизгача, озиқ-овқат саноатида 44 фоиздан 35 фоизгача камайган.


Шу билан бирга, кредит маблағларини жалб қилган респондентлар улуши донни қайта ишлаш соҳасида 56 фоиздан 88 фоизгача, тоғ-кон саноатида 60 фоиздан 67 фоизгача, туризм хизматлари соҳасида 24 фоиздан 38 фоизгача, транспорт хизматлари соҳасида 40 фоиздан 45 фоизгача, қурилиш ишлари соҳасида 49 фоиздан 53 фоизгача кўпайган.

19-РАСМ. КРЕДИТ ОЛИШ ШАРТЛАРИ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ



Кредит олиш шартларининг ўзгариши бўйича ҳисобланган диффузион индекс 70,2 ни (2019 йил II чорақда 71,5 фоиз) ташкил қилган бўлиб, мазкур ҳолат III чорақда кредитлаш шарт-шароитларининг II чорақка нисбатан бирмунча қатъийлашганини аниқлатади (20-расм).

20-РАСМ. КРЕДИТ ОЛИШ ШАРТЛАРИ ЎЗГАРИШИНИНГ ДИФФУЗИОН ИНДЕКСИ




Шунингдек, III чорақда респондент корхона ва ташкилотларнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжи II чорақка нисбатан бирмунча камайган бўлиб, уларнинг 33 фоизи (II чорақда 43 фоизи) айна вақтда кредит олишга эҳтиёжи борлигини, 67 фоизи эса (II чорақда 58 фоиз) кредит олишга эҳтиёжи йўқлигини маълум қилган.

Хусусан, тармоқлар кесимида қаралганда, донни қайта ишлаш соҳасида корхоналарнинг 50 фоизиди, енгил саноатда 42 фоизиди, кимё саноатида 37 фоизиди, қурилиш ишлари соҳасида 36 фоизиди, туризм хизматида 38 фоизиди тижорат банкларида кредит маблағлари жалб қилишга эҳтиёжи борлиги маълум қилинган.

3.8. Иш ҳақи ва бандликнинг ўзгариши.

2019 йилнинг III чорағида янги иш ўринлари яратилганини маълум қилган корхоналар улушининг II чорақдаги каби 37 фоизни ташкил қилганлиги ҳамда мазкур кўрсаткич бўйича ҳисобланган диффузион индекс қийматининг сезиларли бўлмаган миқдорда ошганлиги (64,3 дан 65,1 гача) мамлакатда иш ўринларини яратиш тенденциясининг II чорақ даражасида сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда (21-22-расм).


21-РАСМ. ИШ ЎРИНЛАРИ СОНИНИНГ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ



Бунда, хусусий секторда иш ўринлари сонининг ошганлигини кўрсатиб ўтган респондентлар улуши 39 фоизни ташкил этган ҳолда давлат корхоналари секторига (20 фоиз) нисбатан юқори шаклланиган.

Янги иш ўринларини яратиш жараёнлари хусусий сектор корхоналарида биров жадаллашган бўлса (янги иш ўринлари яратилганлигини маълум қилган респондентлар улуши II чорақдаги 38 фоиздан 39 фоизгача ортган), давлат корхоналари секторига ушбу жараён сустлашган (II чорақдаги 28 фоиздан 20 фоизгача камайган).

22-РАСМ. ИШ ЎРИНЛАРИ СОНИ ЎЗГАРИШИНИНГ ДИФФУЗИОН ИНДЕКСИ



*2019 йилнинг IV чорағи якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Бунда, тармоқлар кесимида қаралганда иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган респондентлар улуши енгил саноатда 37 фоиздан 41 фоизгача, тоғ-кон саноатида 60 фоиздан 67 фоизгача, автомобил саноатида 11 фоиздан 40 фоизгача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 34 фоиздан 46 фоизгача ҳамда туризм соҳасида 36 фоиздан 38 фоизгача кўпайган.

(Давоми 15-саҳифада)

(Бошланиши 14-саҳифада)

Ўз навбатида, III чорак якуни бўйича респондентларнинг 35 фоизи (2019 йил III чорагида 37 фоиз) ўз корхона ва ташкилотларида янги иш ўринлари яратилиши кутилаётганлигини маълум қилган.

23-РАСМ. ИШ ҲАҚИ МИҚДОРНИНГ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА ЖАВОБЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ, ФОИЗДА




*2019 йилнинг IV чорағи якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

III чорак давомида иш ҳақи миқдорини оширган корхона ва ташкилотлар улуши II чорақдаги 52 фоиздан 63 фоизгача кўпайган бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича ҳисобланган диффузион индекс 74 дан 79,6 гача ошган. Бошқача қилиб айтганда, сўнгги чорақда иқтисодий ёта иш ҳақи ўсиши суръати нисбатан тезлашган (23-24-расм). Мазкур ҳолат, ўз навбатида, жорий йилнинг август ойидан минимал иш ҳақи миқдорининг оширилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иш ҳақи миқдорларининг оширилиши даражаси таҳлил қилинганда, II чорак мобайнида иш ҳақи миқдорлари оширилган корхона ва ташкилотларнинг 79 фоизда иш ҳақи миқдори 1-10 фоиз оралиғида, қолган 21 фоизда 10 фоиздан юқори миқдорда оширилган.

24-РАСМ. ИШ ҲАҚИ МИҚДОРНИНГ ЎЗГАРИШИНИНГ ДИФФУЗИОН ИНДЕКСИ



*2019 йилнинг IV чорағи якунлари бўйича кутилмаларнинг шаклланиши

Жорий чорак якуни бўйича иш ҳақи миқдорлари ўсиш даражасининг секинлашиши кутилаётган бўлиб, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг 51 фоизи IV чорак якуни бўйича иш ҳақи миқдори оширилиши мумкинлигини маълум қилган (2019 йил III чорағида сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг 63 фоизда иш ҳақи миқдори оширилган).

Замонавий иқтисодий шундай қурилганки, банкларсиз жамиятнинг ўзи йўқ. Ўз маблагига бизнес ташкил этган тадбиркор кредитдан фойдаланиб ишлаётган рақобатчи ҳаммасидан ортда қолиб кетиши мумкин. Ҳукумат йирик банкларнинг таназзул этишидан уларнинг эгалариданда кўпроқ кўрқади, хавф туғилган тақдирда бундай банклар яшаб кетишлари учун кўмак берилади, ҳатто бюджетдан маблағ ажратилади. Иқтисодчиларнинг ушбу масалага оид шубҳаю гумонларига қарамай, ҳукумат бундай қадам ташлаши билан тўғри йўлни тутди.

Инқирозга юз тутган йирик банк иқтисодийнинг бир қатор тармоқларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Банклар (расман бўлмаса-да) ўз ҳисобларида бир қатор корхона, мулк ва бошқа турдаги мулкларга эга бўлиши мумкин. Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлмаган. Шундай вақтлар бўлганки, банклар баъзан ўз фаолиятини ҳалол, яна бошқа пайтда ноқонуний юришиб келган. Уларнинг фаолияти асосан иқтисодий ва хусусий муассасаларга хизмат кўрсатиш, пул ўтказмаларни амалга ошириш ва қимматли буюмларни сақлаш билан боғлиқ. Аниқланишича, банклар ўз фаолиятини қуйидагича бошлаган:

1. Биринчи банк қачон ташкил этилганлигига оид мавзуда баҳслашилганда бир-бирдан фарқланувчи кўплаб маълумотлар борлигидан бу борада яхона тўхтамагача келишининг имкони йўқлигини тушунса бўлади. Албатта, "ортиги" билан қарз бериш амалиёти пул ёки унинг муқобил шакли яратилибдики, мавжуд бўлган, деб ҳисобланади. Қадимги Юнонистонда молиячилар аллақачон қафиллик амалиётини йўлга қўйиб бўлган, энг қизиғи бу иш билан нафақат хусусий тармоқ, балки черковлар ҳам шугулланган. Қадимги Мисрда барча давлат тўловлари, жумладан қирим ва тушумлар шаклидагилар ҳам махсус давлат банкларида тўпланган.

2. Судхўрлик Рим католик черкови томонидан ҳеч қачон қабул қилинмаган. Рим Отаси Александр III судхўрлар вафот этганда уларни диний маросим бўйича кузатишга рухсат бермаган. Эътиборлиси, собиқ Иттифоқ даврида бу чеклов ҳукумат манфаатига тўғри келганида қўлланилган, бошқа пайтлари эса йўқ.

3. Судхўрлик нафақат христиан таълимотига эътиқод қилувчилар, балки ислом динида ҳам қораланади. Айти пайтда ислом банклари азалдан мижоздан тақдим этилган маблағдан фоизларни эмас, балки савдо, маҳсулот ва ҳоказодан улуш олишган. Яхудиёлар судхўрликни ҳатто расман ҳам таъқиқламаган. Улар орасида машҳур бўлган бу ҳаракат уларга катта миқдордаги бойлик келтирган, айти пайтда қонли тўқнашуларга сабаб бўлган, бу зиддиятларда судхўрликка алоқадор шахслар завқу шавқ билан иштирок этган. Ҳатто олий табақа вакиллари ҳам бу курашларда фаол қатнашган. Қироллар оддий йўлни танлаган – улар ёки яхудий молиячиларга юқори қийматли солиққа тортган ёки катта миқдордаги жарима ундириш таслифини берган.

4. Эҳтимол, илк банк сифатида Тамплиерлар Унвони таш-



БУ ҚИЗИҚ

БАНКЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ОИД 11 МАЪЛУМОТ

китотини айтса бўлса керак. Бу ташкилот фақатга молиявий амалиётлардан катта миқдордаги даромад топган. Таплиерлар томонидан "сақлаб туриш мақсадида" олинган қимматликлар (шартномаларда айнан шундай ёзилган, бу йўл билан судхўрликка оид чекловларни четлаб ўтиш мақсадида) қироллик тасарруфида турган. Европа бўйлаб тарқалган устунлик жиҳати банкларнинг ҳозирги филиалларга муқобил шаклда фаолият юритган ва нақдсиз тўловларни амалга оширган. Тушунарлироқ бўлиш учун тамплиерлар фаолиятининг кўламини қуйидагича таърифлаш мумкин: уларнинг 13 асрдаги даромади йилига 50 миллион франкдан ошган. Бутун бир Кипр оролини тамплиерлар византияликлардан 100 миң франкка сотиб олган. Франция қироли Филипп Чиройли кучли иштиёқ билан тамплиерларни катта гуноҳларда айблаган, унвонини бекор қилган, раҳбарларини қатл эттирган ва ташкилотга тегишли мулкларни мусодара қилган. Илк марта тарихда давлат ҳукумати банкирларга ўз ўрнини кўрсатиб қўйган...

5. Ўрта асрларда суда фоизи олинган ҳажмнинг учдан бир қисмига ҳам етмаган, ҳатто баъзан йилига учдан икки қисми ҳам ташкил этган. Депозитлар бўйича ставкалар ҳажми жуда кам ҳолларда 8 фоиздан ошган. Бундай миқдорлар тўфайли одамлар ўрта аср банкирларини унчалик ҳам хушламасликка сабаб бўлган.

6. Ўрта аср савдогарлари ҳамёнларида катта миқдордаги пулларни олиб юрмаслик учун ҳаммасобларининг векселлари ва савдо уйларида бемалол фойдаланишган. Бундан ташқари, бу билан улар тангаларни айирбошлаш харажатларини тежеган. Векселлар бир пайтнинг ўзида банк чекларининг, қоғозли пуллар ва банк карталарининг ўзига хос шакли сифатида хизмат қилган.

7. 14 асрда Флоренция банк уйлари ҳисобланмиш Барди ва Перуццилар Англия ва Франция ўртасида ўтказилган Юэ йиллик урушда ҳар икки томонни бир вақтнинг ўзида молиялаштирган. Англияда давлатга тегишли маблағлар ҳам уларда сақланган, ҳатто қиролчиқа кундалик пулларини италиялик банкирлардан олиб турган. Бироқ қирол Эдуард III ҳам, қирол Карл VII ҳам ўз

қарзларини узишмаган. Банкротлик тўғрисидаги қарорни эълон қилиш арафасида Перуццига 37 фоиз мажбурияти, Бардига 45 фоиз мажбуриятини қайтариб беришган, бироқ бу ҳам Италияни ва Европани қутқариб қолмади.

8. Риксбанк – Швеция марказий банки – жаҳондаги энг қадимий марказий банки ҳисобланади. 1668 йилда ташкил этилишидан ташқари Риксбанк жаҳон молия бозорида биринчилардан бўлиб ўзига хос молиявий хизматлари, яъни салбий фоиз бўйича депозитлар билан молия бозорига кирганлиги билан ажралиб туради. Бу эса, мижозлар маблагини сақлаб бергани учун Риксбанк маблагнинг катта бўлмаган қисмини қўлга киритишини аниқлатади.

9. Россия империясида Давлат банкини расман Пётр III 1762 йилда ташкил этди. Бироқ императорни тез орада тор мот этишди ва банкни ёддан чиқаришди. Фақатгина 1860 йилда Россияда 15 миллион рублик сармоя билан тўлиқ Давлат банки фаолиятини бошлади.

10. Америка кўшма штатларида миллий ёки давлат банклари мавжуд эмас. Мувофиқлаштирувчи ишининг бир қисмини Федерал захира тизими амалга оширади. Тизимга 12 та йирик ва 3 миңдан ортиқ кичик банклар, бошқарувчилар Кенгаши ва яна бир қатор тузилмалар бирлашган. Назарий жиҳатдан ФЭТ АҚШ Сенатининг қуйи палатасига бўйсунди, бироқ конгрессменлар ваколати 4 йил муддатга белгиланса, ФЭТ Кенгаши аъзолари эса бундан кўпроқ муддатга сайланади.

11. 1933 йилда Буюк тушқунлик давридан сўнг америкалик банкларга мустақил равишда қимматли қоғозлар олди-сотди-сига оид битимлар, инвестиция киритиш ва бошқа турдаги нобанк фаолият билан шугулланиш таъқиқланган. Бу чекловни барибир четлаб ўтиш ҳоллари учраган, бироқ барибир расман қонунга риоя қилишга ҳаракат қилинган. 1999 йилда америкалик банклардаги чекловлар олиб ташланди. Улар фаол тарзда инвестиция киритиш ва мулкни кредитлашни бошлаб юборди ва 2008 йилда кучли молиявий-иқтисодий инқироз юзига келган. Шундай экан, банклар – бу нафақат кредит ва депозитлардан, балки инқироз ва таназзуллардан ҳам иборат.

“SQB АЁЛЛАР КЛУБИ” ИЛК ТИНГЛОВЧИЛАРИГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан “Ўзсаноатқурилишбанк” Бош офисида “Конституцияда аёллар ҳуқуқи” номли тадбир бўлиб ўтди. Унда банк бошқаруви аъзолари, ходимлар ҳамда “SQB Аёллар клуби” аъзолари иштирок этди.

Тадбирда Банк Бошқарув Раиси Азиз Воитов мамлакатимизда аёллар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритиб, бунда Бош Қомусимиз дастуриламал бўлаётганини қайд этди.

Банкни трансформация қилиш жараёнида хотин-қизларнинг ҳам муносиб улуши борлиги таъкидланди. Уларнинг самарали меҳнати, банк ривожига қўшаётган ҳиссаси алоҳида эътироф этилди.

– “SQB Аёллар клуби” дастури доирасида тренинг машғулоти ўтказиб, банк жамоасидаги хотин-қизларнинг юксак салоҳиятли, фидойи,



наинки соҳа тўғрисида, балки юртимиздаги ижтимоий ислохотларни зийраклик билан кузатиб боришига амин бўлдим, – дейди Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси эксперти Жамила Шермухаммедова. – Бу бир томондан банкда хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқ ва имкониялар

яратилганлигидан, улар кадр-қиммати юксак даражада мустаҳкамланганлигидан далолат берса, иккинчи томондан банк бошқаруви стратегияси ҳам муассаса, ҳам жамоа манфаатларини кўзда тутган энг тўғри йўлдан бораётганини билдиради.

Тадбир доирасида “SQB Аёл-

лар клуби”нинг илк дастурида фаол қатнашган қатор хотин-қизларнинг лавозими оширилди, махсус сертификатлар топширилди.

– Мазкур банкда 22 йилдан буён фаолият юритаман, – дейди Банкни стратегик ривожлантириш департаменти бошқарма бошлиғи Озода Шукурова. – Ўтган давр давомида турли шароит ва раҳбарлар қўл остида ишлаб, доим касбим ва банким билан фахрланиб келганман. Бугун “SQB Аёллар клуби”нинг фаол қатнашчиси сифатида рағбатлантирилганимдан кўксим тоғдек юксалди. Бунинг учун банк раҳбариятига шахсан ўзим, қолаверса, бошқа иштирокчилар номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

Эслатиб ўтаман, “SQB Аёллар клуби” жорий йилнинг август ойида ташкил этилган бўлиб, бунда банк тизимида хотин-қизларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш, етакчилик қобилиятини кучайтириш, сиёсатчи, раҳбар ва жамоат арбоблари сифатида ўзларини намён қилишга шароит яратиш, шунингдек, мамлакатимизда барча жабҳаларда олиб борилаётган ислохотларда улар иштирокини кенгайтириш каби мақсадлар кўзланган.

finance.uz

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетага обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агентлигининг

худудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

“МАТБУОТ TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)

“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

“ТОШКЕНТ ЖАХОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти

“ФАЗО ИНФО” МЧЖ – (90-560-55-95)

“САЙЁР 2017” МЧЖ – (99-990-61-01)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича
муружаат учун

Тел.:

(998) 97 776 60 18
71 234 43 18

Факс:

(998) 71-234-43-18.

E-mail:

info@banknews.uz

ОБУНА
ИНДЕКСИ-102



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун
Тел: 99897 776 60 18
71 234 43 18
Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи
Ўза, “Norma Hamkor” МЧЖ
Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_axborotnomasi
Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”
МЧЖ

Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди. Қўлёзмалар такрар қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 1203
Адади 1706 нуска
Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 11.12.2019 й.,
123456

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-й.